

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT
ARXITEKTURA VA QURILISH INSTITUTI**

**ME'MORCHILIK va QURILISH
MUAMMOLARI**
(ilmiy-texnik jurnal)

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА
(научно-технический журнал)

2015, № 1
2000 yildan har 3 oyda bir marta chop etilmoqda

SAMARQAND



ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА

(ilmiy-texnik jurnal)
(научно-технический журнал)

2015, № 1

2000 yildan har 3 oyda
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Ҳайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган
(гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олинди 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

Бош муҳаррир - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов
Масъул котиб – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

Таҳририят ҳайъати: м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; т.ф.д., проф. А. Абдусаттаров; ф.м.ф.д., проф. Ж.А. Акилов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф. К.Б. Ғаниев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмоилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; т.ф.д. З.С. Сирожиддинов; т.ф.д. У.А. Соатов; т.ф.д. проф. Х.Ш.Тўраев; т.ф.д. У. Фахриддинов; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов.

Таҳририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.
Телефон: (8-366) 237-18-47, 237-14-77, факс (8-366) 237-19-53. ilmiy-jurnal@mail.ru

Муассис: Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

МЕЪМОРЧИЛИК, ШАҲАРСОЗЛИК ВА ДИЗАЙН АРХИТЕКТУРА, ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО И ДИЗАЙН

КИЧИК ТУРАР ЖОЙ ТУМАНЛАРИНИНГ ҲАЖМИЙ-ЛОЙИҲАВИЙ ЕЧИМИНИ ШАҲАР МАРКАЗИ БИЛАН БОҒЛАШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР

Аҳмедов М.Қ., м.ф.д., проф.; **Миршаходжаева Н.С.,** магистрант (ТАҚИ)

В статье рассматриваются некоторые вопросы планировочных решений малонаселенных пунктов и их объединение с городскими центрами, а также предлагаются пути решения этой проблемы.

In paper some questions planishing solutions of sparsely populated points and their union with urban centres are observed, and also ways of the solution of this problem are offered.

Кичик турар жой туманларни лойиҳалаштириш структурасида, жамоат марказларини турли функционал вазифа ва шаҳардаги жойлашиш ўрнининг тизими муҳим ўринни эгаллайди. Шу билан бирга асосий эътиборни кичик турар жой марказига аҳолининг ижтимоий ҳаётида энг кўп тўпланадиган жой сифатида қаратиш лозим. Бу ерда, намуна сифатида, умумшаҳар маъмурий ва хизмат муассаса бинолари, жамоат ва маданият ташкилотлари, савдо ва тамошавий корхоналар ва бошқалар, бирлаштирилган ва яхлит архитектуравий ансамбль, шаҳар қурилишида композицион устунлик қилиши ва унинг умумий лойиҳавий структурасига уйғунлик билан боғлиниши лозим.

Аҳолига қулайлик яратиш нуктаи назаридан караганда жамоат марказини шаҳарнинг геометрик марказига жойлаштириш афзалроқ. Лекин ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, магистраль йўлларнинг йўналиши ва иморатларнинг тарихий пайдо бўлиши жамоат марказини кўпинча шаҳарнинг геометрик марказидан силжишига сабаб бўлади. Шунингдек, шаҳар жамоат марказининг силжиши қирғоқ бўйли сувли ҳудудларда (кўпинча катта порт шаҳарларда) учрайди. Бу ерда марказни ўзининг олдинги жойида сақлаб қолишни тақазо этади, лекин ҳудуднинг ўзига хос хусусияти ва савдо, маъмурий ва маданий зоналарнинг туташиб жойлари транспорт, йўловчилар ва бошқа алоқаларни уч қатламда эстакадалар билан туташинини олдиндан аниқ чегаралаб беради. Жамоат марказларини лойиҳалашда марказнинг умумий ҳудудидан 10 % ини автомобиллар учун махсус қисқа муддатли тўхташ жойларига ажратиш лозим.

Катта шаҳар марказида тўпланган кўплаб функциялар гоҳида уни ҳаддан ташқари ортиқча юклаб қўяди. Шунинг учун мустақил

ихтисослашган марказларни жумладан савдосотикни ташкил топдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Савдо марказлари – бу савдо корхоналари, умумий овқатланиш жойлари, бўш вақтларни мазмунли ўтказадиган жойлар ва шулар қабиларнинг комплекс кўринишидир. Биноларни яхлит ҳажмда гуруҳлаш тарқоқ кўринишдаги бинолар билан таққослашда транспорт, маҳсулотлар ассортиментининг хилма-хиллиги, тараққий этаётган савдо усулларини қўллаш ишмкониятини ташкил этиш нуктаи назаридан караганда шубҳасиз устунликни беради. Савдо зоналарида пиёдалар ва юк ташиш йўлларини ажратиш мақсадида дўконларга маҳсулотларни ҳовли томондан етказиб бериш мақсадга мувофиқ. Савдо марказлари таркибига шунингдек бозор иншоотлари ҳам киради.

Курорт-шаҳарларнинг марказлари санитаркурорт муассасалари, курзаллар ва шу қабилар асосида пайдо бўлади. Бу ерда меҳмонхоналар, умумий овқатланиш, маданий хордиқ ва туризм муассасалари устунлик қилади. Курорт марказлари денгиз бўйида жойлашиши, бундан ташқари пляжлар билан тўлдирилганлиги, соҳил бўйлари, сайл йўллари, манзаравий майдончалари ва бошқалар билан ҳарактерли.

Тиббий марказлари тиббий-ташхис, илмий-тадқиқот муассасалари ва тиббиёт йўналишидаги ўқув юртиларини ўзида бирлаштиради. Бу марказлар, намуна сифатида, аҳоли яшамайдиган ҳудудларга яъни шаҳар ташқарисига ёки ўрмон парк минтақасида жойлаштирилади. Шаҳар марказини ташкиллаштиришда транспорт муҳим ўринни эгаллайди. Шаҳар магистраллари ва кўчалари унинг қолган туманлари билан боғлайди, бу алоқалар ўз навбатида марказдаги транспорт ҳаракатининг якуни ва ўтиш нукталарига муҳим урғу беради, шунинг билан бирга йирик маъмурий би-

ноларга уларнинг автомобиль тўхташ жойларига кириш имкониятини яратади. Марказдан ташқарида транспорт ва пиёдалар ҳаракатлиниши бир хил тақсимланади.

Дўкон биноларини лойиҳалашдаги бошқа муҳим муаммолардан бири бу – савдо заллари ва маҳсулот сақлаш ва сотувга тайёрлаш хоналарининг бир-бирига уйғун тарзда жойлаштиришидир.

Турар жой ҳудудлардаги аҳолига хизмат кўрсатиш учун дўконнинг асосий тури бу супермаркет, сотиладиган ва сотилмайдиган универсал ассортиментли маҳсулотларнинг кундалик ҳажми 400 м² ва ундан ортиқ бўлган ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган дўконлар ҳисобланади. У харидорларнинг вақт ва кучини иқтисод қилишга жавоб беради. У асосий маҳаллий савдо марказлари муассасаси ҳисобланади ва 500 м радиусдаги аҳоли жойларига стандарт хизмат билан таъминлайди.

Амалдаги дўконлар тармоғини қайта таъмирлашда шунингдек корхоналарни, бошқа хона ҳисобига чиқариб юборилаётган, ташкилотлар ва идоралар таклиф этаётган, савдо майдончасини ўзлаштириш билан, вазифасига мос бўлмаган тарзда банд этиб турганларни, кейинчалик уларни вазифасига рационаллигини таъминлаш, мажмуавий корхонани ташкил этиш мақсадида, супермаркет типдаги дўконларга келтиришдан иборат.

Шаҳар миқёсидаги дўконларни қайта таъмирлашда савдо майдончаларидан дўкон-унвермаг ассортиментлар таркибига мос келадиган дўконлар мажмуини яратишга интилиш лозим.

Шаҳарнинг марказий қисмини ташкил этишда намуна сифатида, кўп қаватли турар жой бинолари жойлаштирилади, бу ўз навбатида дўконларнинг неча қаватлигини, шу билан бирга, бу ердаги майдонлар марказдан ташқаридагилардан анча қиммат нархда бўлишини белгилаб беради.


Замонавий кичик турар жойлар лойиҳаланаётган ҳудудлар ўз ичида аҳолининг ҳаёти ва фаолиятини мужассамлаштирган кўп функционалликни намоён этади. Пиёдалар йўлаклари бўйлаб дўконларни жойлаштириш аҳолига автобус бекатидан ўз уйларига йўл-йўлакай хизмат билан таъминлайди. Турар жой туманларининг марказий чизиқларида жойлашган ижтимоий-савдо марказлари аҳолининг ишхонадан уйига тез фурсатларда етиб олишига имкон яратади.

Турар жой бинолари ичига-ёнига қурилган турар жой уйларнинг гуруҳланган блоklar кўринишида лойиҳаланади. Турар жой уйлари


кичик турар жой туманларининг периметри бўйлаб, қисман марказга яқинроқ гуруҳларига жойлаштирилиши орқали болалар майдончалари, катталар учун дам олиш майдонлари, кийим қуришиш учун майдонлар жойлаштиришга замин яратувчи яхлит ҳовлили ҳудуд ташкил топади. Турар жой уйлари шундай лойиҳаланганки, уларнинг ҳовлили майдонлари иқлимнинг ноқулай шароитларидан максимал ҳимояланган бўлади. Магистрал транспорт бўйлаб жойлашган бинолар шамолдан ҳимоя экрани сифатида хизмат қилади.



Ёпиқ перспективадаги бинолар жойлашувига мисол



Бўлинмаган яхлит кенгликни ташкил этувчи биноларга мисол



Бўлинган яхлит кенгликни ташкил этувчи биноларга мисол

Умумий фойдалинишга мўлжалланган ҳудудни кўкаламзорлаштириш кичик турар

жой тумани боғи, кўчаларни кўкаламзорлаштириш, ҳовли ҳудудлари, мактаб ва боғча майдонларини ўз ичига олади. Магистрал кўчалар бўйлаб ҳимоя учун мўлжалланган яшил экинлар транспортлардан чиқаётган газлар, вибрациялар ва шовқинлар даражасини пасайтиришга хизмат қилади.

Эпизодик фойдаланадиган хизмат объектлари кичик турар жой туманларининг олис ҳудудларига жойлаштирилади. Аҳоли яшаш ҳудудларига транспортнинг минимал зарарли таъсирини таъминлаш мақсадида гаражларни иложи борича кичик турар жой туманларининг кириш қисмига жойлаштирилади.

Ёнғинга қарши талабномаларга биноан кичик турар жой туманлари бинолари орасида қуйидаги оралиқ масофалар талаб этилади:

Нормал масофа	9 қаватли бинолар орасидаги масофа
Бинонинг узун томони орасидаги масофа	48 м
Бинонинг узун ва ён томони орасидаги масофа	24 м
Бир ўқда жойлашган минора типидagi уйлар орасидаги масофа	36 м

Гуруҳли турар жой биноларининг ҳовлиларида болалар ўйингоҳи, катталар дам олиши учун, хўжалик, турмуш мақсадлари учун майдонлар жойлаштирилади. Кичик турар жой туманига бир яшовчисига 0,5 м² ҳисобида жами 0,4 га майдон болалар майдони ҳисобланади. Бинолар ойнасидан болалар майдонигача бўлган масофа 12 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Юқорида келтирилган ҳолатлар кичик турар жой туманларини ҳажмий-лойихавий ечимини яхшилашга замин яратади.

Адабиётлар:

1. Isamuhamedova. D. U. Shaharsozlik asoslari. I qism. Toshkent, 2009.
2. Кулага В. Л. и др. Общественные центры микрорайонов и жилых районов. Москва, 1970.
3. Салиев А. Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии Ташкент, 1991.
4. <http://www.archunion.com.ua/slovarik.shtml> – архитектурная энциклопедия.

СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ПРОЕКТИРОВАНИЮ ПАРКОВЫХ ТЕРРИТОРИЙ

Адилова Л.А. канд. арх., проф.; Имамбаева Н.А., магистрант (ТАСИ)

Мақолада шаҳар парк ҳудудларини функционал, эстетик, композицион ва экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда лойихалаш ва реконструкция қилишнинг замонавий усуллари ва ёндашувлар таклиф қилинади.

The present paper considers some questions of planning solutions of sparsely populated settlements and their joining up with urban centres and the author proposes the ways of their solution.

Переход в новое тысячелетие для современного общества является значимым этапом в жизни. В этот период в процессе политических, экономических, социальных и экологических изменений, происходит смена культурного и мировоззренческого отношения человека к окружающему его миру; при этом меняется и сам человек. С одной стороны, он непосредственно участвует во всей сложной и многофункциональной деятельности большого города, с другой стороны, он погружен в свой замкнутый мир. Городской житель все время окружён большим количеством людей, однако все чаще живое общение заменяется общением в виртуальном мире. На протяжении всей недели дневной ритм городского жителя проходит по схеме «дом-работа-дом», а в выходные отдается предпочтение выезду на природу или на загородный участок. Повышение уровня

«автомобилизации» населения влияет на рост посещаемости природных загородных территорий, в том числе национальных парков, заповедников и заказников, тем самым удовлетворяя потребность в общении с природой. Также становятся актуальными поездки на садово-огородные участки и загородные индивидуальные коттеджи.

Городские парковые территории обладают значительным потенциалом в развитии взаимосвязей человека и природы, возможностями вовлечения человека в общественную городскую жизнь [1, 3]. Одной из основных проблем парковых территорий является их низкая рекреационная привлекательность, что влияет на посещаемость парков. В обыденной жизни человеку приходится лишь косвенно соприкоснуться с парковой средой, где зачастую, это – либо «по пути...», «через» или вовсе «мимо».

Исходя из этого возникает потребность в постановке новых задач, разработке новых подходов и методов проектирования парковых территорий.

На современном этапе развития основными задачами создания, а также реконструкции парков в крупных городах должны стать:

- повышение рекреационной привлекательности;
- повышение эстетической выразительности;
- создание экологически устойчивых ландшафтов;
- самоокупаемость парков.

Решение перечисленных задач возможно при реализации следующих подходов.

Функциональный подход предусматривает:



- совершенствование существующих методик функционального зонирования с учетом изменяющейся специфики жизненных интересов различных возрастных и социальных групп населения города;

- расширение функции парковых территорий за счет введения новых сезонных и дневных форм рекреации, создания условий для разнообразных видов деятельности под открытым небом (проведение учебных занятий, занятий спортивных секций, художественных и пленеров и т. д.);

- строительство в периметральной зоне парка аттрактивных рекреационных объектов круглогодичного использования (кафе, спортивные сооружения, выставочные залы);

- использование открытых пространств парка для проведения городских культурно-массовых мероприятий (выставок, праздников, концертов).

Эстетический подход предусматривает:



- проектирование парковых территорий на основе синтеза приемов ландшафтной архитектуры и современного искусства (живописи, графики, скульптуры, кино и пр.). Восприятие парка как объекта искусства;

- использование современных мировых тенденций в проектировании и реконструкции парков, включая планировочные и композиционные особенности (использование регулярных форм и линий);

- расширение в зонах массового посещения ассортимента растительности;

- создание парковых композиций с учетом принципов ансамблевости, с использованием семантических подходов (тематика ассоциаций), создания «духа места».

Композиционный подход предполагает:



- создание экологически устойчивых насаждений с преобладанием местных пород;

- повышение эстетической выразительности парковых территорий в местах массового посещения;

- использование современных принципов создания парковых насаждений на основе метода «лесных культур», регулярных растительных композиций.

Экологический подход включает:



- создание экологически благоприятной среды в парках (ликвидация источников загрязнения, оказывающих неблагоприятное воздействие на парковые территории, защита территории парка от неблагоприятных внешних воздействий) [2];

- повышение экологической устойчивости парковых насаждений (воссоздание парковых энзимов с увеличением процента участия кустарниковой растительности, использование в основных массивах местных пород, регулирование рекреационной нагрузки на парковые территории) [2];

- выделение участков с различным режимом рекреационного использования и рекреационными нагрузками, в том числе с введением ограниченного доступа в зонах с ценными экологическими ресурсами;

- проведение экологического мониторинга насаждений с целью выявления возможных повреждений, в том числе вредителями и бо-

лезнями.

Экономический подход реализуется через:



- разработку системы паркового управления и бизнес-плана развития парковых территорий с оптимизацией условий по самоокупаемости парков;

- привлечение частных инвестиций к устройству и эксплуатации парков;

- создание при каждом парке самостоятельной административной единицы, включающей эксплуатационную службу. Привлечение в штатный состав специалистов в области садово-паркового строительства, садовников, экологов;

- проведение при информационной поддержке ежегодных, общественных мероприятий (сезонные открытия - открытие летнего, осеннего, зимнего и весеннего сезонов);

- вовлечение парковых территорий в городские туристско-рекреационные маршруты;

- использование энергосберегающих технологий для обслуживания парка (солнечные

батареи на осветительном оборудовании, сбор дождевой воды для полива растительности).

Предложенные подходы направлены на повышение рекреационной привлекательности существующих и вновь проектируемых парковых территорий. Эффективность использования парковых территорий напрямую связана с изменениями, происходящими в обществе. Новые функциональные, эстетические, композиционные, экологические и экономические подходы позволят вовлечь парковые территории в городские процессы, тем самым возродить парковую культуру и повысить уровень жизни городских жителей.

Литература:

1. Нефедов В. Реконструкция городской среды. Ландшафтный аспект проблемы // Ландшафтная архитектура. Дизайн № 3, 2007. - С. 63-68.

2. Никончик А.Д. Современные методы реконструкции сложившихся парковых территорий: Дис. 18.00.04 ... маг. арх.: Минск, 2006. - 70 с.

3. Tate A. Urban parks: functions, funding and futures // Green places № 8, 2006. - С. 22-27.

4. Адилова Л.А. Ландшафтное планирование. Уч. пособие. Ташкент, ТАСИ, 2007. С. – 108, ил.

5. Young, T., Riley R. (ed.) (2002) Theme Park Landscapes: Antecedents and Variations, Washington D.C.: Dumbarton Oaks.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мухаммадиев Э.М., профессор, Тугизов Ш.Х., катта ўқитувчи (СамДАҚИ)

В статье рассмотрены вопросы развития и преемственности ландшафтной архитектуры и дизайна в Узбекистане. Рассмотрены также вопросы подготовки специалистов в этой области.

The article considers the problems development and acceptance of landscape architecture and design in Uzbekistan. Such problems of training as specialists in this field are considered.

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти унинг қишлоқ ва шаҳарларининг ободонлигига, манзараларининг маданий жиҳатдан яхши ташкил этилганли-гига, йўл ва гўшаларининг раволиги, хушманзаралигига қараб баҳола-нади. Бу борада кундан-кунга чирой очиб бораётган ўлкамизда Президентимиз Ислам Каримовнинг шахсан ташаббуслари билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мамлакатимиздаги барча шаҳарларнинг қайта қурилаётганлиги, қишлоқ аҳоли пунктларида намунавий тураржойлар қурилишларининг кенг кўламда амалга оширилаётлиги ва шу каби йирик ислохотлар жадал равишда ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги мисол бўла олади.

Қишлоқ ва шаҳарларни қайта қуришни ташкиллаштириш, уларнинг эстетик қиёфаси-

ни шакллантириш, автоном тараққиётини бар-тараф этиб, қишлоқ ва шаҳарларни интеграциялашда табиий, функционал талаблардан келиб чиққан ҳолда табиий ресурслар ва тарихий маданий салоҳиятини сақлаб қолган ҳолда экологик, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни турғунлашган, мувозанатлашган, комплекслашган янги, сифатли поғонага кўтариш лозимлиги бугунги кунда давлат томонидан дастурли равишда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ландшафтни уйғунли такомиллаштиришни итимоий- иқтисодий масалалар билан бир қаторда юқори малакали архитектор ва дизайнерлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада Вазирликнинг 2013 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлан-

тириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 223-сон қарорининг ижросини таъминлаш бўйича Тошкент ва Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтларида “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедралари ташкил этилиб бу йўналиш бўйича 2014 йилдан бошлаб талабалар қабул қилина бошланди. Шунингдек, бу институтлар негизида илмий изланиш ишлари ва хорижий мамлакатлар билан илмий ва амалий тажрибалар алмашиш мақсадида ландшафт технопаркини лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди.

Ўқувчида “Ландшафт дизайни”нинг ўзини, у нима билан шуғулланади? – деган савол туғилиши табиий албатта. “Ландшафт” сўзи немис тилидан олинган бўлиб - *манзара* маъносини билдиради. Ландшафт дизайни ижодий фаолият сифатида XX аср бошларида юзага келди. Ландшафт дизайнери, ландшафт архитектори ва қисман яшил қурилиш инженери фаолиятларини ўз ичига олувчи, меъморий қурилмалар, табиат ресурслари бўлган сув, ўсимликлар, дарахтзорлар ва ер рельефи кабилардан уйғунлашган фазовий муҳит, боғ-парклар, аҳоли пунктлари, йўллар, экинзор ва дарахтзорлар туркумларига қараб уларнинг композициясини яратувчи фаолият туридир. Инсоният боғлар ва парклар яратиш, ўз уйи атрофи, шаҳар муҳитини шакллантириш, яшил ободончилик билан жуда қадим замонлардан буён шуғулланиб келади. Турли халқлар, мамлакатлар ландшафтни ўз даври илму-фан, техника ютуқлари, маънавий-маданий удумлари ва мафкуравий қарашлари асосида ривожлантирганлар. Меъморий муҳит, боғ-роғлар яратилишида диний-фалсафий қарашлар ҳам ўз ўрнида ғоявий таянч сифатида хизмат қилган. Биз боғлар ҳақида кўп афсоналар эшитганмиз. Бизгача Қадимги Бобилдаги Семирамида осма боғлари, Самарқанддаги Темур қурдирган боғлар ҳақида ёзма маълумотларгина етиб келган. Ушбу қисқа маълумотлар ўтмишда аждодларимизнинг ландшафт борасида юксак эстетик дид соҳиблари бўлганликларидан далолат беради.

Қадимги Антик Юнонистонда илк бор атроф муҳит ландшафтини меъморий қурилмалар билан уйғунлаштира бошланган. Юнонлар боғларга худолар ташриф этадиган жой, яъни илоҳий маскан деб қарашган. Шунинг учун боғлар илоҳий сюжетдаги ҳайкаллар ва диний қурилмаларга бой бўлган. Қадимги Рим қурилмаларида ҳам табиат унсурлари билан архитектуравий формалар уйғунлаштирилган. Ўрта асрларда боғлардан кўпроқ фойда олиш мақсадларида фойдаланиб, уларда доривор

ғиёҳлар, узумзорлар ва бошқа мевазор боғлар яратилишига эътибор қаратилган. Аммо боғ яратиш борасида шарқ мамлакатлари халқларининг эстетик идеаллари бирмунча фарқланган. Қадимги Хитойда боғларнинг турлари кўп бўлган: Император саройлари боғлари; ибодатхона боғлари; табиий манзарали боғлар; уй боғлари; олимлар ва адабиёт боғлари ва бошқалар. Бу боғларга ўзининг ғоявий, эстетик талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлов берилиб безалган.

Ўрта асрларда Хитой ва Японияда ландшафтни ўзлаштиришни ташкил-лаштириш бўйича Европа мамлакатларидан тамоман фарқ қилган. Чунки бу халқларнинг табиатга муносабатлари ва тушунчалари ўзгача бўлиб, уларнинг табиат, борлик, инсон ва мавжудотлар ҳақидаги фалсафий ва диний қарашлари ўзига хос бўлган. Фарбдаги ландшафтнинг одатдаги режалаштириш ишларидан фарқи уларда кўпроқ манзарага эътибор қаратилган. Чунки табиат худолар маскани деган фалсафий тушунча мавжуд бўлиб, уларнинг композицион тузилишида сув, кўприклар, тош, турли суҳбатхоналар ва бошқа меъморий формалар ёрдамида манзараларнинг такрорланмаслиги, яъни кетма-кет, янги-янги манзаравий кўринишлар намоён бўлиши таъминланган.

Япон ландшафтчилиги Хитой, Ҳинд, Корея ландшафтчилиги принципларига асосланиб тараккий қилган бўлсада, унда ўзига хос руҳият мавжуд бўлиб, бирламчи жонли табиат гўзаллигини сақлаган ҳолда мураккаб боғ композициялари яратилган. Кейинчалик Япон боғдорчилигига асосланган “Япон боғлари” деб аталувчи янги дунёвий стил юзага келди. Бу стил японларнинг эстетик категорияларидан бири “*макато*” яъни, кўринадиган ва кўринмас нарсаларнинг ҳақиқийлик тушунчасига асосланган дейилса хато бўлмайди. Хитой ва японлар табиат нафақат кўз билан кўришда идрок қилинибгина қолмасдан, балким товуш орқали ҳам, қушларнинг сайраши, сувнинг шилдираши, шамолдан ҳосил бўладиган турли товушларни эътиборга олиш керак деб ҳисоблаганлар.

Ҳиндистонда эса Бобурийлар даврида боғ яратиш санъати юкори даражага кўтарилган. Бу ҳақда “Бобурнома” маълумотлари ва Ўрта аср миниатюра тасвирлари орқали аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ўрта Осиё боғдорчилигининг мафкуравий, фалсафий асослари, меъморий, муҳандиса-вий асослари ҳали етарли даражада ўрганилмаган бўлсада, ўлкамизнинг буюк шоирлари, рассомлари яратган шеърлари, дostonлари, миниатюралари, халқ

оғзаки ижодлари, таърифланадиган боғу роғлар ҳақидаги тушунчалар йўқ бўлиб кетган афсонавий боғларга асос бўлган бўлса ажаб эмас.

Келтирилган маълумотларга кўра, ландшафтга бўлган эҳтиёж, инсоннинг табиат билан чамбарчас боғлиқлиги, табиат эса унинг ажралмас қисми эканлиги, муҳит одамнинг эмоционал фаолиятининг бошқарилишида етакчи восита эканлигидан далолат беради. Кичиккина сайёрамиз тақдири бугунги кунда одамлар кўлида. Йилдан-йилга чиқинди чиқарувчи улкан ишлаб чиқариш корхоналари сони ошиб, миллионлаб гектар ўрмонлар ер юзидан йўқ бўлиб, экологик инқирозни келтириб чиқармоқда. Албатта бу оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Давлатимиз раҳбарияти, шахсан муҳтарам Президентимиз ўлкамизнинг экологик масалалари, қишлоқ ва шаҳар ландшафтини яхшилаш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Буни халқимиз фаровонлигини ошириш ва Ватан мавқеини юксалтириш борасидаги сазй-ҳаракат деб тушуниш лозим. Ландшафт дизайнерлари ва архитекторлар тайёрлаш сифатини ошириш давлат дастурига киритилаётган-лиги олий ўқув юртлари ва коллежлар жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди. Вилоятларимиз туманларида ландшафтга бўлган муносабат тамоман талаб даражасида эмас дейиш мумкин. Аҳоли сонининг кундан-кунга ўсиб бориши экинзор ерларининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Аҳоли пунктлари режасиз, лойиҳасиз исталган томонга қараб кенгайиб борди. Бу ҳол фойдали экинзор ерларининг кескин камайишига олиб келди. Бугунги кунда “Барқарор тараққиёт” тушунчаси ҳақида фикр юритилмоқда. Бу турғун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлиб, ўзининг табиий асосларини бузмасдан жамиятни узлуксиз прогрессга элтувчи тушунча деб қаралмоқда. Барқарор тараққиёт-бу

ривожланган жамиятгина эриша оладиган жараён бўлиб, эндиликда буни ноосфера (бирламчи табиатнинг маҳсулидан фарқли ўлароқ инсон заковати билан яратилган дунё) деб атай бошланди. Ўлкамизда барқарор ҳаётнинг таъминланиши учун тараққиёт воситаларининг барча тармоқлари уйғунлашган ҳолда ҳаракатда бўлиши, жумладан ландшафт архитектураси ва дизайни қайсики, бу шаҳар ва қишлоқларни интеграциялаштириш, улар ўртасидаги тафовутларни камай-тириб бориш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тугунларидан бири бўлган йўлларни режавий структура доирасида ечиш, умумлашган ландшафт лойиҳасида аҳоли турар жой пунктлари ва экинзорларнинг пропорционалигини таъминлаш, лойиҳада меморий, бадий формалар ва ландшафтнинг композицион, конструктив тузилишига катта эътиборни қаратиш лозим.

Улкан тараққиёт йўлига юз тутган мамлакатимиз фуқароларининг фаровонлиги, руҳий барқарорлиги, атроф муҳитнинг уйғунлиги, яшаш учун қулайлиги уни ўраб турган муҳитнинг гўзаллиги билан бевосита боғлиқ бўлиб бунда ландшафчи дизайнернинг хизмати бекиёсдир.

Адабиётлар:

1. Ариансон Л. Жемчужина садово-паркового искусство. Жил. и коммун. хозяйство. 1979, № 8 ст. 20
2. Рубцов Л.И. Проектирование садов и парков. М., Стройиздат, 1979
3. Добронравова Е.А., Сулаймонова Ш.М. Ландшафт дизайни. Ўқув қўлланма, 1-қисм. Тошкент, 2012
4. Михайлов С., Кулеева Л. Основы дизайна. Казань, 1999
5. Ожегов С.С., Уралов А.С., Рахимов К.Ж. Ландшафт архитектураси ва дизайни. 2003.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ХОНАҚОҲЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ

Мухамадиева Н., асисстент (СамДАҚИ)

В статье рассматриваются принципы построения ансамблевых сооружений в период правления А. Темура в Средней Азии, а также изучена типология построения хонако – образовательных учреждений в Самаркандской области.

The paper considers the principles of creation of ensemble structures in the period of the Amir Temur region in Central Asia and also the typology of building “honako: – educational institutions in the Samarkand region have been studied.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин туризм ривожланиб бормоқда. Хал-

қимиз ўз ўтмишини тарихини, маданият ва санъатимиз, миллий кадриятларимизни, кади-

мий обидалар, масжиду мадрасалар, тарихий кадамжолар, арк – қалғалар, тасаввуф институтлар ва хонақоҳларни ўрганиб, уни тадқиқ қилиб ва қайта тиклаб бормоқда. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларни ўрганиш, қадимий меъморий обидаларни асраш ва уни амалга чиқаришимиз учун жадал ҳаракат ва юксак маҳорат эгаси бўлишимиз даркор.

Ана шундай изланишлардан бири тасаввуф институти ва хонақоҳлари олиб борилаётган тадқиқотлардир. Самарқанд қадимги ва ўрта аср шаҳар қурилиши, маданияти, фани ва санъати тараққиётига, анъаналари асосида бунёд этилган.

Хўжа Абду Берун хонақоси – Самарқанд шаҳрига яқин, унинг жанубий томонида Самарқанд тумани эски қабристон ёнида жойлашган пештоқли гумбазли меъморий ёдгорлик. Унга XVII–асрда суфийлар сулоласининг вакили Абду Берун асос солган ва у Абду Берун хонақоси ҳисобланади. Кўҳна қабр ёнига тоқу равоқли хонақоҳ-масжид, ўртасига жамоатхона, атроф бурчакларига хужра ва зиналар қурилган. Қўшқават сиркор гумбаз, пойгумбаз ва деворлар сиркор ғишлар ва кошинкор нақшлар билан безатилган. Жамоатхонанинг уч томонидан эшиклар очилган. Меҳроб оддий, хонақоҳ ҳам хушбичим, содда ва файзлидир. Унинг ёнбошида авлиё Хожа Абду Берун қабри бор. Катта ҳовли саҳнида супа, ҳовуз ва дарвозахона кўзга ташланади. Дастлаб хонақоҳ уч томони эшикли ва бир томони меҳробли зал кўринишида бўлиб, бинонинг бурчакларида икки қаватли пештоқ билан ёпилган. Хонақоҳ биносининг олд томони, яъни асосий пештоқи нақшлар билан безалган. Хонақоҳ архитектураси ўта содда ва айни пайтда, файзли қилиб ишланган. Ҳовлиси шинам, унинг марказида ҳовуз ишланган. Унинг атрофига манзарали дарахтлар экилган. Ҳовлининг ғарб томонида дин ҳомийлари ва суфийларнинг қабрлари жойлашган. Хонақоҳ ҳозирги вақтда у жойлашган мавзе аҳолиси учун маҳалла масжиди ва айни пайтда, зиёратгоҳ вазифасини бажариб, давлат томонидан муҳофазага олиниб ва эҳтиёт қилиниб сақланиб ва фойдаланиб келинмоқда.

Гўри Амир меъморий ансамбли. Гўри Амир меъморий ансамбли Амир Темурнинг суюкли набираси Муҳаммад Султон номи билан боғлиқ. Унинг отаси, Амир Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир ва онаси Суюн оқа Султон Ўзбекхон авлодидан бўлганликлари


ҳамда отасининг бевақт вафоти, Муҳаммад Султоннинг (1374-1403й.) тахт вориси этиб тайинланишига имкон берган. У кичкиналигидан хушфёъл, довюррак, билимдон бўлганлиги туфайли Амир Темур, уни жуда ҳам севарди.

XIV асрнинг охирларида Муҳаммад Султон мадраса рўпарасига «қўш» усулида хонақоҳ қурдиради.

Амир Темур 1404 йилнинг сентябр ойида таркибида масжид, даҳма, қозонхона, хужралар бўлган, Туркистон шаҳрида Хожа Аҳмад Яссавий шарафига ўзи қурдирган мақбара-хонақоҳига ўхшаш, лекин ундан йирикроқ иморат қурилишини бошлаб юборди. Клавихо маълумотига қараганда, Амир Темур бир ярим ой муддатда мақбара даҳмаси ва гўрхона гумбазини битқаздириб, Муҳаммад Султон тобутини янги қабрга кўчиртиради. Сохибқирон 1405 йилнинг февралда сафарда вафот этади. Халил Султон бобосининг жасадини олиб келиб, Гўри Амирга дафн этади ва тахтни эгаллайди. 1409 йилда Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо Ҳиротдан келиб, Самарқанд тахтини эгаллайди ва тахтга Мирзо Улуғбекни ўтказиб, Андхойдан Амир Темурнинг қабри-пири -Саид Барака жасадини кўчиртириб олиб келиб, Гўри Амирда дафн этади. Мирзо Улуғбек томонидан 1424-27 йилларда биринчи қаватдаги зиёратхонага қабр тошлари қуйилади ва унинг атрофига мрамар панжара ишланади. Улкан мақбара хонақоҳ биноси битказилмаганлиги туфайли, шарқий томонда гўрхонага кириш йулагини қурдиради.

XVII аср шоири Мутрибий ал Ассам маълумотига қўра, ўз замонасида Мирзо Улуғбек шунингдек, Муҳаммад Султон хонақоҳини қозонхонага айлантириб, унинг ички бурчагига мадраса минораларига муқояса қилиб яна 2 та минора қурдиради, ҳовлини таъмирлайди. Хонақоҳ ўртасида катта гумбазли кенг зал, залнинг атрофида икки қаватли, бирдан иккинчисига ўтиладиган хоналар бўлган, бу хоналарнинг баъзиларида қисқилар яшаган, баъзилари қазноқ бўлган. Ҳовли атрофини ўраб турган деворлар икки қаватли безакли равоқларга бўлинган. Ҳовлининг ташқи бурчакларида тўртта миноралар бўлган. Юқорига кўтарилган сари ингичкалашиб борган минора Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси миноралари каби шарафа билан безатилган. Миноранинг асоси билан тепаси орасидаги тафовут кошин плиталар теришда усталлик билан

бартараф қилинган. Кошинлар ҳар бир қаторига бир хил миқдорда кошин плиталар терилган ҳолда, улар орасидаги чоклар юқорига кўтарилган сари торайиб боради ва тепасига етиб тугайди. Сақланган 2 минораларнинг бирида «*банда тадбир этар, оллоҳ тақдир этар*» деб ёзилган.



Амир Темури давридаги мемориал меъморликнинг ёркин намунаси Муҳаммад Султон мажмуасидир (Гўри Амир). Темурининг вориси қилиб тайинланган Муҳаммад Султоннинг вафотидан кейин унинг хотирасига мажмуа қурилади. Мажмуанинг таркибига уч асосий

иншоот- мақбара, хонақоҳ ва мадраса кирган. Улар чоғроқ майдон атрофининг уч томонларида жойлаштирилган эди.

Хонақоҳ ҳам мақбара каби гумбаз билан ёпилган эди. Мадрасанинг тўртинчи томони ҳам девор билан ўралиб унинг ўртасидан киравериши алоҳида пештоқ билан ажратилган. Майдоннинг тўртта бурчагида миноралар қад кўтариб турган эди. Хонақоҳ ва мадраса бузилиб кетган. Пештоқ ва мақбара сақланган. Мақбарага Муҳаммад Султондан кейин Темурининг ўзи, ўғиллари, Улуғбек дафн этилгандан сўнг иншоот Гўри Амир номи билан олган.



Дастлаб мақбарага киравериш майдончадан ташкил этилган эди. Кейинчалик, Улуғбек давридаги қайта қуриш чоғида асосий эшик олдингисига нисбатан ён тарафдан ташкил этилган. Гўри Амир ўзининг тарихий қиймати, юксак бадий – меъморий сифатлари: хушбичимлиги, жуда бой безаклари, бу безакларнинг ҳажм сатҳларига мослиги – тектоникавийлиги билан ноёб обидалардан ҳисобланади.

Хўжа Абду Дарун мақбара хонақоси – Самарқанд шаҳри ҳудудида унинг шарқий қисмида ҳозирги Садриддин Айний магисрал кўчаси ёнидаги квадрат ҳовли атрофида жойлашган. XV–асрнинг биринчи ярмига тегишли ёдгорлик. Дастлаб Абду Дарун томонидан хонақоҳ тарзда бунёд этилган. Ҳовлининг шимолий қисмида суфийлар учун хужралар, ғарб томонида (XIX а.) нақшдор масжид, ҳовлининг жанубида йирик қўш гумбазли хонақоҳ биноси жойлашган.

Абду Даруннинг пештоқи, қўш гумбазли зиёратхонаси мовий ранг қошинли парчинлар билан безатилган. Шу ерда IX–асрда уламо­лардан бири Абдал Мазиддин қабри устига қурилган гумбазли гўрхона мавжуд. У XIII–асрда қурилган. Мақбара–хонақоҳ ҳозирги вақтда масжид–зиёратгоҳ вазифасини бажариб келмоқда.



Хўжа Ахрори Вали масжиди ва хонақоси
(1404-1490)

XII аср, XV асрнинг биринчи ярми. Самарқанд қалъа деворининг шарқий томонида (дарун - ичкари) жойлашган қадимги зиёратгоҳ. Марказида энг йирик бино - хонақоҳ (XV аср) кўзга ташланади. Унинг пештоқи, гумбази ва деворининг безаклари Улуғбек даври меъмор-

лиги маҳсули эканидан дарак беради. Хонақоҳнинг ичида IX асрда яшаган авлиё, аллома Абду Маъзиддиннинг қабри бор. Хожа Абду Дарун падари бузрукворларининг номи Хожа Абдуқодир ас-Саид (Хожа Абду Берун) бўлиб, Самарқандда ҳокимлик қилган. Хожа Абду Дарунни Хожаи Кунж, деб ҳам атаганлар. Хожа 247 ҳижрий йилнинг зулкаъда ойида (мил.861 йил май ойи) вафот этган.

XV асрга мансуб меъморий ёдгорликлардан бири. У мадраса, масжид ва минора ҳамда ҳовуздан иборат. Мадраса 1630-1631 йилларда Нодир Девонбеги маблағи ҳисобига қурилган. Хожа Аҳрор Валий ўз замонларида бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда машҳур шахс бўлган. Жуда катта ер-сув, мол-мулкка эга бўлиб, бутун умри, куч-ғайрати ва бор мол-мулкни юрт тинчлиги, ободлиги йўлида сарфлаган. Натижада мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутган. Хожа Аҳрор Валийни оддий фуқаро ҳам, акобир ҳам ўзларига бирдай пушти паноҳ деб билар эди. Халқпарвар, дин ва сиёсат арбоби Хожа Аҳрор Валий 1404 йили қадим Шошнинг (Тошкент) Боғистон қишлоғида туғилиб, 1490 йили Самарқандда вафот қилган. Тасаввуфга оид бир қанча асарлар ёзган. Унинг “Рисолайи волидия” асари халқ ичида машҳур бўлган.

Мана шуларнинг барчаси Самарқанд шаҳри ўзагининг абадийлигини таъминловчи тарихий даврларни ўзида сингдирган структура ташкил қилиш керак деган фикрга олиб келади. Самарқанд шаҳрининг эндиги тараққиёти нафақат ўрта асрлар қисмини асраш, балки бутун маданий қатламларини авайлаб асраш керак. У нафақат бир шаҳар ва вилоят маркази, балки мамлакат, қолаверса минтақа маркази сифатида ҳисобга олиниши керак.

Бугунги кунда амалга оширилаётган барча ишлар унинг адабийлигини таъминлашга қаратилмоқда. Қадимги даврлардан бугунги кунгача сақланиб қолган Самарқанднинг тарихий хонақоҳларини сақланиб қолган меъморий мажмуасини ўрганиб, қайта тиклаш керак ва келажакда зиёратчилар, туристлар диққат эътиборини тортиш керак.

Адабиётлар:

1. Юсупова М.А. Архитектура суфийских хонако Самарканда.
2. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиқ тарихи. – Т., 1995
3. Уралов А.С., Ахадов Р. Архитектура ханака эпохи Темуридов// Тезисы конференции–“Амир Темура ва унинг дунё тарихидаги ўрни”.– Самарқанд, 1996.

ДАРАХТ ВА БУТАЛАРГА ФИГУРАЛИ ШАКЛЛАР БЕРИШ САНЪАТИ

Мустаев Б.Б., катта илмий ходим–изланувчи;
Жонузоқов, А.Э. мустакил тадқиқотчи (СамДАҚИ) *

В статье показана возможности топиарного искусства в ландшафтной архитектуре и дано проектное предложение по использованию его в практике.

In present article shown the possibility of topiary art in landscape architecture and authors give a designing proposal on using it into practice.

Дарахт¹ ва буталарнинг ҳали биз ўрганиб улгурмаган жиҳатлари маълумидан кўра кўпроқдир. Буни кенг миқёсда иш олиб бораётган дунё ботаник олимлари, дендрологлари, тажрибали амалиётчиларнинг кашфиётлари, янгиликлари, тажрибаларини оммавий ахборот маълумотларидан, махсус адабиётлар ва интернет хабарларидан кузатиб билса бўлади.

Кўкаламзорлаштиришда дарахт ва буталарни кузаш, буташ, қисман ёки тўлиқ шакл бериш, уларни ёшартириш, бир-жойдан иккинчи жойга кўчириш, ёши катта кўчатларни кўчириб ўтказиш (транспортировка), жойга мослаш ва ҳоказо юмушлар бугунги кун илмий-техника инкилоби ривожини билан бир қаторда мукамаллашиб, уларнинг усул-услуглари кенгайиб, илмий-методик адабиётлар билан бойиб бормоқда.

Дарахт ва буталар шакл ёки ранг, шох-шаббаларнинг тигислиги жиҳатидан жой ёки муҳит, атрофдаги табиий ва сунъий объектларга мос бўлмаса, имкони борича уларнинг шаклан ва ранг жиҳатдан тўғри келадигани танланади. Аммо, кўпинча уларнинг шаклини бир хилда тутиб туриш, атрофдагиларга мослаб кузаш (формовка қилиш)га тўғри келади. Дарахт ва буталарнинг барчаси кузашга мойил бўлади. Аммо уларнинг шохаси мўл, тигис ва барглариининг майдороқларидангина айни кўзланган шаклини ҳосил қилиш мумкин. Фақат уларни бир хил кўринишда ушлаб туриш ёки перспектив ўзгаришларини ҳисобга олган тарзда уларга шакл бериб бориш керак бўлади.

Боғ-парк ўсимликларини шаклли кузаш санъати қадимдан бой тарих ва анъаналарга эга. Дарҳақиқат, бундан 2000 йил аввал Қадимги Рим боғларида шамшод (самшит) ва сарв (кипарис) каби дарахт ва буталар кузалиб, уларга сунъий геометрик шакллар берилганлиги тарихдан маълум. Римлик Топиар исми боғбон дунёда илк бор дарахт ва буталарни кузаб, уларга сунъий шакллар бериш ғоясини

амалиётга жорий қилган. Шу сабаб бу усул дунёда бугунги кунгача “топиар санъати” деб аталиб келинмоқда [1].

Қадимги Римлик Кичик Плинийнинг ёзишича, унинг вилласи фасади қаршисида яшил майсалар устида гуллар билан бир қаторда шамшод (буксус, самшит) шохаларидан кузаб ясалган яшил йўлбарс, шер, кийик ва филлар ҳам мавжуд бўлган [2].

Ўсимликларни кузаб уларга турли шакллар бериш санъатини қадимда бизнинг ота-боболаримиз ҳам билишган. Маълумки, Самарқанд Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлардаёқ, ям-яшил боғларга бурканган, обод ва хушманзара шаҳарларидан бири бўлган. Х аср охирида юртимизга келган араб географи, тарихчи Абдулқосим Муҳаммад ибн Ҳавқал ўзининг “Китоб ал-масолик ва ва-л-мамолик” (Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб) деб номланган асарида Самарқанд ҳақида шундай ёзади: “Сўғднинг пойтахти Самарқанддир; у Сўғд дарёсининг жанубидаги тепалиқда жойлашган. Шаҳар арк, шаҳристон ва унинг атрофидаги рабодлардан иборат... Арк тепасига чикқанимда киши фақат тушида кўрувчи ниҳоятда ҳаяжонлантирарли манзарадан завқландим: кўм-кўк дарахтлар, яркираган кошоналар, шаркираб оқаётган анҳор ва жилғалар, атроф чаман, гулгун табиат. Ҳар бир жой, ҳар бир дарахт, ҳар бир гуллаётган боғга қараб қалбинг қувонади. Шаҳар майдончалари гўзаллигининг эса чеки йўқ. Дарахтлар кузалиб, уларга ўта ғаройиб манзарали сунъий шакллар, тартиб-оройишлар берилган. Булар бир-бирига зимдан ташланмоқчи бўлиб турган ёки бир-биридан ҳадиксираётган, ё эҳтимол танишмоқчи бўлаётган яшил сунъий филлар, туялар, сигирлар, ёввойи ҳайвонлар шакллари эслатади. Киши қалбини завқлантирадиган бундай яшил манзаралар ҳар қадамда учрайди. Буларга шаркираган ариқлар, балиқларга тўла ҳовузлар, дам олишга қулай кўшк ва шийпонларни ҳам қўшиш мумкин” [3;4].

Бундай маълумотларни “Ашқал ал-ард” китобининг муаллифи ал-Умар (XIII аср бошида)

* Илмий раҳбар меъм.ф.д., проф. А.С. Уралов

хам келтиради: “Самарқандда сарв дарахтлари шундай кузалганки, уларнинг шакли бири-бирига ташланмоқчи бўлаётган ёввойи ҳайвонларга ўхшайди” [4]. Ибн Ҳавқал Насаф, Ахси-кент, Қува, Бинкент ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўплаб боғлар мавжудлигини ёзади. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, топиар санъатининг Самарқанд шаҳри мисолида деярли 200 йилдан кўпроқ вақт давомида сақланиб келаётганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.



Англиянинг Хидкот боғидаги топиар санъати қоидалари асосида қорақайин (бук) ва зарноб (тисс)дан яратилган қушлар ва геометрик шакллар мажмуаси. Л.Джонстон, 1908-1930 [6].

Ўсимликларни кузаш худди сартарошнинг соч олишига, уни дид билан тарашлашига ўхшаб кетади. Баъзан уни ҳайқалтарошнинг ишига ҳам ўхшатиш мумкин. Ўсимликларни кузашда ҳам ҳайқалторошликдаги каби мураккаб шаклга эга бўлган ҳайвон, қуш ёки бошқа шаклларни геометрик бирикмалар каби стилизациялаштириб (содалаштириб) кузаш ишни анча осонлаштиради. Нима бўлганда ҳам буни амалга оширадиган боғбон ҳайқалторошлик ёки тасвирий санъат сирларидан хабардор бўлиши лозим.

Шаклли кузашга қадимда асосан: *доим яшил шамшод (самшит вечнозеленый)*, *оддий бирючина ёки лигуструм, европа нормушки ёки эвонимус (бересклет европейский)* буталаридан фойдаланишган.

Бугунги кунда мутахассислар шаклли кузашга япалоқ баргли дарахт ва буталардан: *шамшод (самшит)*, *граб (граб обыкновенный)*, *ўрмон буки (бук лесной)*, *плюш (плющ)*, *япон ўткирбаргли падуби (падуб остролистный японский)*, *лигуструм (бирючина)*, *тафлон (лавровишня)*, *жўка (липа)*, *доим яшил шамшод (самшит вечнозеленый)*, *майда ва йирик баргли япон нормушки (бересклет японский)*, *европа нормушки (бересклет европейский)*, *форзиция* ва бошқаларни;

Игна баргли дарахт ва буталардан: *сарвнинг турли навлари (кипарис)*, *арчанинг турли навлари (можжевельник)*, *оддий зарноб (тисс*

обыкновенный), *япон зарноби (тисс японский)*, *тўйя (туя)*, *саври (биота восточная)* ва бошқаларни тавсия қилишади. Улардан яшил деворлар, кичик, ўрта ва йирик ўлчамдаги манзаравий шакллар, яшил тўсиқлар, деворлар мўжаз манзаравий шарлар, яшил ҳайқаллар, бонсай типидagi манзарали шаклларни яратиш мумкин.

Шаклли кузашнинг:

- *дарахтсимон ўсимликларнинг танаси ва шохалари ҳисобига тик ва баланд яшил деворлар, боскетлар, каттароқ ҳайвонлар (мисол учун, фил, каркидон, тимсоҳ, бизон ва бошқа шу кабилар)нинг шаклини бериб кузаш натижасида;*

- *лианалар (тирмашиб, ёпишиб, буралиб усувчи буталар)нинг бирон ҳайвон шакли ёки геометрик шакл берилган асосга (труба, симгаза, ёғоч каркасларга) мослаб мунтазам қирқилиб бориши натижасида;*

- *бирон ҳайвон шакли ёки геометрик шакл берилган асосга ўтсимон гул ёки майсаларнинг уруғи билан тупроқ солинган махсус қоплар билан қопланиши ва унга ўрнатилган махсус сугориши тизими орқали мунтазам сугориб ва қиртишлаб турилиши натижасида;*

- *бетон ёки бошқа материаллардан тайёрланган декоратив ҳайқалларнинг устига майсалар уруғи ва озиклар билан тўйинтирилган махсус торфли тўрларни қоплаш ва унга ўрнатилган махсус сугориши тизими орқали мунтазам сугориб ва қиртишлаб турилиши натижасида яратиладиган турлари мавжуд.*

Ўзбекистон ФА Ботаника боғининг илмий ходимлари А.А.Абдурахмонов, Р.М.Мурзова ва П.К.Озолинлар ўзларининг 1964 йили Тошкентда чоп этилган “Ассортимент пород для живых изгородей в Узбекистане» номли рисо-ласида 58 номдаги тур ва уларнинг 50 га яқин навлари, жами 100 дан зиёд дарахт ва буталарнинг яшил деворлар ҳосил қилишда ишлатилиш мумкинлиги, уларнинг минтақамиз учун фенологик хусусиятлари, вилоятларда қай бирини қўллаш мумкинлиги, экиш муддатлари ва параметрлари тўғрисида тўлиқ маълумот беришган. Рисолада келтирилган дарахт ва буталардан, шунингдек: турли ўлчамлардаги бордюрлар, боскетлар, трельяжлар, турли туман ҳажмий геометрик шакллар, содда шаклли ҳайвонлар, техник ва жиҳозлар имитацияларини, кўринишларини шакллантириш мумкин.

Шаҳарларимиздаги боғ-парклар ва болалар учун ажратилган боғлар, болалар боғчалари, мактаб ва коллежларда турли хил ҳайвонларнинг яшил ўсимликлардан кузаб ишланган ғаройиб шакллари болажонларимизга завқ-

шавк бағишлайди, уларнинг экологик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади, табиатга бўлган меҳри ошади, уларнинг бу боғларда кўтаринки руҳда дам олишлари учун шароит яратади. Бундан ташқари ям-яшил, манзаравий, ғаройиб шакллар нафақат ёш болаларга, балки катталарга ҳам бирдай завқ бағишлайди, очиқ муҳитдаги табиий ва сунъий яшил шакллар бир-бирига контраст тарзда инсон дилини очувчи, унинг асабини юмшатовчи табиий экобиологик восита сифатида муҳим роль ўйнайди [5].



Араб географи, тарихчи Абдулқосим Муҳаммад ибн Ҳавқалнинг “Китоб ал-масолик ва ва-л-мамолик” номли асаридаги таърифлар асосида профессорлар А.С.Уралов ва Э.М.Мухаммадиевлар раҳбарлигида архитектор А.Э.Жонузақов томонидан яратилган “Яшил ҳайвонот боғи”нинг лойиҳа-эскизи. Ушбу лойиҳани замонавий истироҳат боғларининг болалар зонасида, болалар боғлари, маҳалла марказларида ташкиллаштирилаётган болалар майдонларида амалиётга қўллаш мумкин.

Ҳозирги пайтда дунё тарихий боғ-паркларидagi мумтоз яшил геометрик шакллар ва ҳайкаллар билан бирга япон боғ-паркларидa “бонсай” услубида яратилган турли яшил шакллар, пакана дарахтларнинг тутам ёки бурама шакллари ҳам кузаш санъати намунаси бўлиб, дилларга завқ-шавк бағишлайди.

Дарахт-буталарни кузаб ишланган сунъий яшил манзарали шаклларни тарихий, миллий парклар, замонавий истироҳат боғлар, хусусий боғлар ва ҳовли боғларида, декоратив паркларда, болалар боғлари, маҳалла марказларида ташкиллаштирилаётган болалар майдонлари, жамоат бинолари худудлари ва хиёбонларни безашда қўллашга тавсия этамиз.

Адабиётлар:

1. Генрих Бельц. Фигурная стрижка деревьев. – М., 2006.
2. Абдурахмонов А.А., Мурзова Р.М., Озолин П.К. Ассортимент пород для живых изгородей в Узбекистане. –Тошкент, 1964.
3. Записки путешественников о Самарканде. Маскан журналы, № 9-10.–Тошкент, 1992.
4. Уралов А.С. Бойсунова Н. “Топиар” санъатининг ландшафт архитектурасидаги роли. //СамДАҚИ да ўтказилган 2011 йил илмий-амалий конференция материаллари.–Самарқанд, 2011.
5. Уралов А.С., Мухаммадиев Э.М., Жонузақов А.Э. “Топиар” санъати ва Самарқанднинг қадимий яшил “ҳайвонот боғи”ни ландшафт амалиётида қайта тиклаш бўйича таклифлар.//СамДАҚИда ўтказилган 2013 йил илмий-амалий конференция материаллари.–Самарқанд, 2013.
6. Ландшафтный дизайн. Журнал. -М., 2004.

РАНГТАСВИРДА ТАСВИРЛАРНИ ГРИЗАЙЛЬ УСУЛИДА ИШЛАШНИНГ ИЛМИЙ – УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Юсупов У. Қ. катта ўқитувчи (ТАҚИ)

В статье даны предложения по представлению студентам на практических занятиях одного из видов живописи, - техники гризайли

The paper gives proposals of show to present to students the technique “grizail” which is one of the types of painting

“Гризайль” – французча кулранг сўзидан олинган бўлиб, бунда тасвирлар фақат битта ранг орқали тасвирланади. Ўтмишда асосан меъморчиликда деворий расмлар рельефли бўлиб кўриниши учун гризайль усулида ишланган. Бу услуб классицизм архитектурасида кенг қўлланилган. Бугунги кунда тасвирий санъат йўналишидаги барча илм масканларининг ўқув дастурларида гризайль техникасида тасвир ишлаш катта ўрин тутаяди. Чунки, бу каламтасвир ва рангтасвир орасидаги ўзига

хос “кўприк” бўлиб, бўлажак меъморлар, дизайнлар ҳамда ижодкор рассомларга чуқур билим олишлари, касбий кўникма ва маҳоратларини пухта эгаллашларида катта аҳамиятга эга.

Мўйқалам билан тасвир ишлашнинг турларидан бири бўлган, кулранг тусли “гризайль”-деб аталувчи монохром рангтасвирлар қадимги уста рассомларнинг асарларида ҳам тез – тез учраб туради. Улар ўз асарларини яратиш жараёнида ишларида ушбу қулай усул-

дан унумли фойдаланиб, тугалланган, пухта, юкори бадий даражадаги санъат асарларини яратганликлари маълум. Гризайль илгарилари тасвирий санъат амалиётида кенг қўлланилган бўлиб, ҳозирда ҳам маҳобатли, баъзида эса дастгоҳли рангасвирда, қисман халқ амалий безак санъати турларида қўлланилмоқда. Мўйқаламда расм чизиш техникасини қадимги уста рассомлар ўз эскизларида, шунингдек мухтасар жанрли композицияларида, портрет ва манзараларда, натюрмортлар чизишда унумли ишлатганлар. Улар ижодий фаолиятларида бистр, тушь, сиёх ва бошқа кўплаб сув ва елим (клей) билан аралаштириб тайёрланадиган бўёқларда мўйқалам билан расм ишлаганлар. Ўша даврлардаги ишлатилган бўёқлар ҳозирги бизнинг давримизда ишлатилмаяпти. Эндиликда кўплаб бўёқ турлари саноат миқёсида керакли миқдорда ишлаб чиқарилмоқда. Аммо, шунга қарамай бистр (тўқ жигарранг тури) расм чизиш ашёси сифатида ўз мавқеини ҳозирги кунгача ҳам тўлиқ йўқотган эмас.


Мўйқаламда расм солиш учун энг мақбул хисобланиб келган қора тушь Европада хитой туши пайдо бўлгунга қадар лампа ёки шағам қурумига елим аралаштирилган сув кўшиб таёрланар эди. Қурук тушь билан расм ишлашдан олдин, уни эзиб, майдалаб аралаштириш зарур. Бунинг учун чинни идиш, ёки махсус тахтача ишлатилади. Яхши сифатли тушь илик товланишга эга бўлиб, у қуюқлигининг юқорилиги, тус кўринишининг тим қорадан тортиб, то элас – элас кўз илғайдиган даражадаги нозик, нафис товланишлари билан ажралиб турди. Гризайль техникасида асар ишлаш мусавирда куйдаги хислатларни шакллантиради:

- Яхлитликни ҳис этиш сезгисини;
- Катта шаклларни лўнда қилиб кўрсата олишни;
- Тасвирдаги тўқ ва оч тусли қисмларни ўзаро муносабатини тўғри белгилай олиш сифатларини тарбиялайди.

Шунинг учун ҳам талабалар томонидан рангасвирга ўтишда дастлабки машқларни гризайль техникасида бажаришлари ўқув жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Талабаларнинг иложи борича олдинги даврлардаги уста рассомлар ишлатган гризайль услубларидан бохабар бўлишлари ўта муҳим ҳамда фойдалидир.

Ўтмишда италиялик мўйқалам усталари картина ишлашда тўқ кўк рангли қопламалардан фойдаланишган. Унда дастлаб остсуртмалар (подмалевка) оқ ва қора бўёқларда бажарилиб, хошишига қараб қуюқ суртмалардан берилган. Бу бўёқларда чизги шакллари аниқ-

ланиб, сўнгра ранг беришган. Шундан сўнгра картинанинг охирги лессировка¹лаш босқичига ўтилган. Бўёқларга ёғли-лок аралаштириб, лессировкалар жилвалантирилган. Иш жараёни икки қисмга бўлиб олиб борилган.



ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ САРАЛОВЧИ ТЕБРАНУВЧИ СИМ ҒАЛВИРЛАРНИ ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ АСОСЛАРИ

Сагторов З.М., т.ф.н. (ТАҚИ)

В статье приведены основы расчета производительности вибрационных грохотов в процессе технического и технологического возобновления.

The paper gives the bases of calculation of the productivity of impact screen in the process of technical and technological renewal.

Саноатда юқори технологияли ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестиция жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган энг муҳим устивор вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларида қурилиш саноатининг механик ускуна ва машиналарини техник ва технологик янгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда, қурилиш саноатида энг кўп қўлланиладиган тебранувчи сим ғалвирларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш асослари кўриб чиқилди (1-расм).

Тебранувчи сим ғалвирларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги Q куйидаги формула билан аниқланади [1], [2]:

$$Q = m q F k_1 k_2 k_3, \quad (1)$$

бу ерда: m – материал доналари таркиби ва нотекис таъминловчи имкониятини ҳисобга олувчи коэффициенти (дона шакли ва сим ғалвир типни бўйича m қиймати 1–жадвалда келтирилган); q – 1 м^2 элак майдонининг солиштирма ишлаб чиқариш самарадорлиги, $\text{м}^3/\text{с}$; F – сим ғалвир элагининг майдони, м^2 ; k_1 – сим ғалвирнинг ҳисобга олувчи бурчак қиялиги коэффициенти; k_2 – бошланғич материалнинг пастки даражасидаги фракцияси (бўлакча) таркиби фоизини ҳисобга олувчи коэффициенти; k_3 – элак тирқишининг ярмидан кичик ўлчами, пастки даражасидаги доналар фракцияси (бўлакча) таркиби фоизини ҳисобга олувчи коэффициент.

1–жадвал

m коэффициенти қиймати

Тебраткич типлари	m коэффициенти қиймати	
	Шағал учун	Чачик тош учун
Горизонтал	0,8	0,65
Қия	0,6	0,5



1-расм. Тебранувчи сим ғалвир

Кўриб чиқилаётган услуб шағал ва чачик тош махсулотлари фракцияларини материалларнинг ифлосланиш даражасидан боғлиқликда ўртача 3-6% гача намлик билан майда элакда ёпишиб қолмайдиган тебратувчи сим ғалвирларнинг технологик параметрларини қуруқ сараланишида ҳисоблаш учун мўлжалланган. Ўлчамлари 15-20 мм дан кўпроқ тирқишли элақлар билан сим ғалвирда элашда материаллар намлиги саралаш натижаларига деярли таъсир кўрсатмайди.

Келтирилган формулаларда материалларнинг бошланғич намлиги ҳисобга олинмайдиган коэффициентлари мавжуд эмас. Шундай экан турли даражада материаллар ифлосланишини тўғри ҳисобини амалда олиб бориш мумкин эмас. Асосийси нисбатан майда материалларни ошиб кетадиган критик намлик билан сим ғалвирда элашда, фракциялар бўлиниши берилган чегарасини бузилишига олиб келади. Уларнинг катта ифлосланишига йўл қўйиб бўлмайдиган ва хаттоки элак тирқишларига ёпишиб қолиши ҳамда унинг оқибатида махсулотни сим ғалвир элагиде туриши мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолатда тирқишлари

15-20 мм гача бўлган элакларда йўл услубда сим ғалвирда элашда қўллаш зарур, баъзилари учун hozirgi услубни ҳам ишлатиш мумкин. Амалда ишлаб чиқариш самарадорлиги бу

ҳолатда тўлиқ оқланган захирани таъминлаш билан ҳисоблаб аниқлангандан бир қанча ошиб кетади.

2–жадвал

q; k₁; k₂; k₃ коэффициентлар қийматлари

Кўрсаткичлар	Ёруғликда элак тирқишининг квадрат ўлчамлари, мм													
	5	7	10	14	16	18	20	25	35	37	40	42	65	70
18 ⁰ қиялик бурчаги-даги горизонтал сим ғалвирлар учун q	12	16	23	32	37	40	43	46	56	60	62	64	80	82
k ₁	Элакнинг бурчак қиялигидан коэффициентлар қиймати, град													
	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
	0,45	0,5	0,56	0,61	0,67	0,73	0,8	0,92	1,0	1,08	1,18	1,28	1,37	1,46
k ₂	Бошланғич материалнинг донали таркибидан коэффициентлар қиймати, град													
	10	20	30	40	50	60	70	80	90					
	0,58	0,66	0,76	0,84	0,92	1,0	1,08	1,17	1,25					
k ₃	Элак тирқишининг ярмидан кичик ўлчами пастки даражасидаги доналар таркиби қийматлари, %													
	10	20	30	40	50	60	70	80	90					
	0,63	0,72	0,82	0,91	1,0	1,09	1,18	1,28	1,37					

Изоҳ: Тебранишлари йўналтирилган горизонтал сим ғалвирлар учун k₁ = 1.

3–жадвал

Оралик жараёнида сим ғалвирда элашда ишлатилаётган сим ғалвирлар учун элак ўлчамларининг тирқишини танлаш

d _{тег.} , мм	Қия сим ғалвир						Горизонтал сим ғалвир					
	Шағал			Чақик тош			Шағал			Чақик тош		
	C, %	α, мм	d _{квал.} , мм	C, %	α, мм	d _{квал.} , мм	C, %	α, мм	d _{квал.} , мм	C, %	α, мм	d _{квал.} , мм
5	Истал-ган	5	6	Истал-ган	5	6	Истал-ган	5	6	Истал-ган	5	6
10		10	12		10	12		10	12		10	12
15	60 гача	14	18	70 гача	14	18	75 гача	14	18		16	18
	> 60	16	20	> 70	16	18	> 75	16	20			
20	60 гача	18	24	Истал-ган	20	24	75 гача	18	24	Истал-ган	20	24
	> 60	20	26		20	24	> 75	20	26			
25	60 гача	25	30	Истал-ган	25	30	75 гача	25	30	Истал-ган	25	30
	> 60	25	32				> 75	25	32			
40	60 гача	35	47	Истал-ган	40	47	75 гача	35	47	Истал-ган	40	47
	> 60	40	52				> 75	40	52			
70	60 гача	70	82	Истал-ган	70	82	75 гача	70	82	Истал-ган	70	82
	> 60	70	90				> 75	70	90			

Қуйида келтирилган формула горизонтал ва қия сим ғалвирлар учун материалнинг ҳаракатланиш томонига валнинг айланишида сим ғалвирда элашда кутиладиган самарадорликни аниқлашга имкон беради.

$$E_1 = e k_1 k_2 k_3 \quad \%, \quad (2)$$

бу ерда: e – k₁, k₂, k₃ бирга тенг бўлганда, сим ғалвирда элашда натижавий қиймати намунаси (ўртача ҳолат учун); k₁ – сим ғалвирнинг ҳисобга олувчи бурчак қиялиги коэффициенти; k₂ – бошланғич материалнинг пастки даражасида ўтказадиган дона таркибини ҳисобга олувчи коэффициент; k₃ – элак тирқишининг

ярмидан кичик ўлчами, пастки даражасидаги доналар фракцияси (бўлакча) таркиби фоизини ҳисобга олувчи коэффициент.

Ҳозирги вақтда шағал ва чачиқ тош маҳсулотлари фракцияларини сим ғалвирда элашда тебраткич валининг тескари айланиши кўлланилиши тавсия этилади.

4-жадвалда тебраткич валининг тўғри ва тескари айланишларидаги коэффициентларининг қиймати келтирилган.

4-жадвал

Тебраткич валининг тўғри ва тескари айланишларида k_1 , k_2 , k_3 коэффициентларининг қиймати

Кўрсаткичлар		Сим ғалвирнинг қиялик бурчаги, град						
		12	15	18	21	24	27	30
k_1	Тўғри айланиш	1,05	1,03	1,0	0,96	0,92	0,88	0,84
	Тескари айланиш	1,02	1,01	1,0	0,97	0,94	0,91	0,88
	Қабул қилинган умумий қиймат	1,03	1,02	1,0	0,96	0,92	0,88	0,84
С қиймати, %		20	30	40	50	60	70	80
k_2	Тўғри айланиш	0,86	0,9	0,95	0,97	1	1,02	1,03
	Тескари айланиш	0,86	0,89	0,93	0,97	1	1,01	1,02
	Қабул қилинган умумий қиймат	0,86	0,90	0,94	0,97	1	1,015	1,02
С қиймати, %		20	30	40	50	60	70	80
k_3	Тўғри айланиш	0,90	0,95	0,98	1,00	1,01	1,03	1,04
	Тескари айланиш	0,89	0,94	0,98	1,00	1,01	1,015	1,02
	Қабул қилинган умумий қиймат	0,90	0,94	0,98	1,00	1,01	1,02	1,03

4-жадвалдан кўриниб турибдики, k_2 ва k_1 коэффициентлар қиймати сим ғалвирда самарали элашда донали таркибга таъсир этиши кўпчилик ҳолатда валнинг тўғри ва тескари айланишлари учун бир хил олинади ёки сезиларсиз даражада фарқланади. k_1 коэффициенти қиймати тебраткич валининг тўғри ва тескари айланишларида сим ғалвирнинг бурчак қиялигига таъсир этади ва бир неча катта даражада фарқланади. Бироқ бу ҳолатда k_1 коэффициентининг умумий ўртача қийматини

ҳисоблашни ихчамлаштириш мақсадида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўртача шароитда олинган намунавий қийматни е самарали сим ғалвирда элашда ҳам умумлаштириш бўлиши мумкинлиги ифодаланади. Илгари ҳар бир типдаги сим ғалвирда шағал ва чачиқ тошни элаш учун намунавий қиймат е алоҳида қабул қилинган. Лекин намунавий қиймат е фарқи шағал ва чачиқ тош учун 1–2% дан ошмаган. Умумий (ўртача) намунавий қиймат е бўлинмадан $\pm 1\%$ дан ошмаган ҳолда фарқланади.

Ўртача умумлаштирилган қиймат қуйидагича қабул қилинади (5-жадвал).

5-жадвал

Ўртача умумлаштирилган қиймат

Сим ғалвирнинг типлари	Намунавий қиймат е, %
Тебраткич валининг тўғри айланишида айланма тебранишлари билан қияланган	87
Тебраткич валининг тескари айланишида айланма тебранишлари билан қияланган	92
Тўғри чизик бўйлаб йўналган тебранишлари билан горизонтал тебранувчи сим ғалвир	90

(2) формула бўйича олинган e , k_1 , k_2 , k_3 қийматларни аниқлаштиришга ва сим ғалвирда элаш самарасини аниқлашда бир қанча ихчамлаштиришга имкон беради. Шунингдек, тебраткич валининг тескари айланиши билан қияланган сим ғалвирларнинг сифатли кўрсаткичлари илгари ишлаб чиқилган ҳисоблаш услубини оммалаштириш мумкин.

Сим ғалвирларнинг сифатли кўрсаткичларини ҳисоблаш энг аввало саралашни амалга оширишда, яъни материалларни маҳсулот фракцияларига бўлинишида муҳим ҳисобланади.

Сим ғалвирда элашнинг яхши самараси материал бўлақларининг баландликга ташланишини таъминловчи тезланишда, элакнинг тирқиши ўлчами тахминан 0,4 га тенгликда эришилади, бу ҳолатда элак ўз-ўзидан тозаланиши содир бўлади. Элак тезланиши катталигини 85 м/сек^2 чегарасигача қабул қилиш тавсия этилади.

Бўлақлар учишининг бошланғич тезлик қиймати v_0 баландликдан h (м) уларнинг элак текислигига ташланиши боғлиқлиги қуйидаги формулалар билан аниқланади:

– тебранишлари йўналтирилган горизонтал сим ғалвирлар учун

$$v_0 = 7,72 \cdot \sqrt{h} \text{ м/сек}, \quad (3)$$

– гирацион қия ва инерцияли сим галвирлар учун

$$v_0 = 4,28 \cdot \sqrt{h} \text{ м/сек}. \quad (4)$$

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тебранувчи сим галвирларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги материал доналари таркибига, элак майдонининг солиштирма ишлаб чиқариш самарадорлигига, элакнинг майдонига ва ҳисобга олувчи бурчак қиялигига, бошланғич материалнинг пастки даражасидаги фракцияси

таркибига, элак тиркишининг ярмидан кичик ўлчами пастки даражасидаги доналар фракцияси таркибига боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. Сатторов З.М. Курилиш индустриясининг механик ускуна ва машиналари фанидан лаборатория ишлари. Услубий қўлланма. – Т.: ТАҚИ, 2014.
2. Сатторов З.М. Курилиш индустриясининг механик ускуна ва машиналари фанидан амалий ишлар. Услубий қўлланма. – Т.: ТАҚИ, 2014.

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

ШАҲАР ҲУДУДИДА ШОВҚИННИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Худойбердиев А., т.ф.д.; Бекназаров М.Б., катта ўқитувчи; Санаева Н.П., ассистент;
Ачилдиев Р.М., магистрант (СамДАҚИ)

В статье рассматриваются основные источники городских шумов и их влияние на шумовой режим городской застройки, а также градостроительные средства по защите от внешнего шума. Даются методы расчета снижения шума в условиях городской застройки; приводятся некоторые сведения об акустике, физических и физиологических характеристиках шума и нормативные требования. Излагаемый в статье материал является обобщением отечественного и зарубежного опыта по шумозащите в градостроительстве и включает результаты научных исследований.

The article examines the main sources of urban noise and their impact on noise mode of urban development, and as well as town building founts to protect from external noise. The methods of calculation of noise reduction in urban areas are given. Some information about acoustics of the physical and physiological characteristics of noise and normative regulations are also given. The material presented in the paper is a generalization of domestic and foreign experience on noise protection in urban development and includes the results of scientific researches.

Бугунги кунда Республикамизда бўлаётган иктисодий ижтимоий ўзгаришлар ва бозор иктисодиётига босқичма босқич ўтаётган бир даврда аҳоли ҳаётининг яхшиланиши ҳамда ватанимизнинг ҳар бир гўшасида олиб борилаётган ободонлаштириш ишларининг ижобий натижалари яққол сезилмоқда. Самарқанд шаҳрида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ҳар бир соҳага еътибор қаратаётиб, бизнинг навқирон ва кўҳна Самарқанд шаҳримизга ҳам алоҳида еътибор бермоқдалар. Самарқанд шаҳри ҳозирги кунда дунё сайёҳлари еътиборини ўзига жалб қилиб келаётган қадимий шаҳар бўлиб,янгидан реконструкция қилиш, ободонлаштириш ишларига кенг еътибор берилмоқда.

Натижада Самарқанд янада янги чирой очмоқда ва шу тарика кейинги вақтларда турар – жой бинолар қурилиши кескин ошиб

бормоқда. Шовқин аҳоли яшайдиган жойларда асосан самолётларнинг чиқарган кучли товушларидан, темир йўллари транспортларнинг гуруллаган товушларидан, ҳар хил механизмларнинг ишқаланиши ва бир-бирига урилишидан - энг асосийси транспортларнинг ҳаракатланиши натижасида пайдо бўлади.

Шовқиннинг узок муддатли таъсири натижасида инсон организмига ўзининг таъсирини етказди. Шовқиннинг инсон организмига таъсири натижасида инсоннинг эшитиш қобилияти пасаяди, нерв ва юрак системаларининг иш фаолияти бузилади ва тез толиқиш, ўзини заиф ҳис этиш аломатлари сезилиб туради. Изланишлар ва тажрибалар шуни кўрсатадики, шовқиннинг инсон организмига таъсири натижасида инсон организмидаги ўзгаришлар - заҳарли моддалар таъсиридан ҳам кучли ҳисобланади.

Шовқин пайдо бўлиш асосида - эгиладиган (пластик) жисмларнинг механик тебранишла-

ри туради. Эшитиш органлари 16-20000 Гс ли товуш тебранишларни қабул қилади. 1-16 Гс частотали тебранишлар инфратовушларга, 20000 Гц тебранишлар - ултратовушларга киради.

Физиологик нуктаи назардан инсон - паст, ўрта ва баланд товушларни фарқ қилади. Биз ҳар кун эшитадиган товушлар бир-биридан фарқ қилади. Инсон кулоқларининг сезувчанлиги товуш частоталарига боғлиқдир. Инсоннинг эшитиш органлари эшитилган товушлар баландлигини, тембрини ва кувватини фарқ қилади. Товуш куввати ёки товуш шиддати тебранишлар амплитудаси томонидан аниқланади. Товуш баландлиги эса товуш тебранишининг частотаси томонидан аниқланади.

Товуш частотаси кам бўлса - у паст эшитилади, товуш частотаси катта бўлса у баланд эшитилади. Шовқинлар қуйидаги частоталарга бўлинади: паст частотали (350 Гц гача), ўрта частотали (350 Гц дан 800 Гц гача), баланд частотали (800 Гц дан баланд бўлган). Баланд частотали товушлар инсон эшитиш органларига ўз таъсирини кўрсатади. Шаҳарларда асосий товуш манбалари- автотранспорт, темир ва ҳаво йуллари транспортлари ва саноат корхоналари ҳисобланади.

Шовқин асосан шаҳарларнинг магистрал, яъни асосий кўчаларида қайд этилган. Ўрта интенсив ҳаракат 1 соатда 2000-3000 транспорт бирлиги қайд этилган. Шаҳарнинг Ипак йўли, А.Беруний, Рўдакий, М.Улугбек номи асосий серкатнов кўчалари кузатилди. Куннинг ерталаб соат 8-00 дан 9-00 гача вақтида ва кечки соат 13-00 дан 14-00 гача бўлган қисмида шовқиннинг максимал даражаси 90-95 дБА -га тенг.

Транспорт ҳаракатининг (оқимининг) шовқин характеристикаси биринчи навбатда йўл категориясига боғлиқдир. Кўчадаги шовқин даражаси транспорт ҳаракатининг интенсивлиги, тезлиги ва характеридан аниқланади.

Саноатлашган шаҳарларда оғир юк ташиш транспортларнинг ҳаракати ниҳоятда кўпдир. Шовқин даражасининг баланд бўлиши оғир юк машиналарнинг ва дизел двигателли машиналарнинг ҳаракатига боғлиқдир. Автомобил қатнов йўлларида пайдо бўлган шовқин ҳар томонга тарқалади.

Аҳоли яшайдиган жойларда шовқин даражасини камайтиришнинг турли йўллари мавжуддир: транспорт воситаларининг ҳаракат пайтида тезлигини пасайтириш ва уни назорат қилиш; баъзи автомобил турларига аҳоли кўп яшайдиган жойлардаги магистрал кўчаларида ҳаракатини таъқиқлаб қўйиш; яшаш биноларининг товуш-изоляциясини яхшилаш; авто-

мобил двигателларининг қисмларини мукамаллаштириш.

Темир йўл транспорт поездларнинг тезлигини ошириш натижасида шовқин даражасининг кўтарилиши қайд этилган. Ҳаракатланаётган электропоездларнинг максимал шовқин даражаси 7,5 км масофада - 93 дБА ташкил этади. Йўловчи ташиш поездларнинг максимал шовқин даражаси 91 дБА ва юк ташувчи поездларнинг шовқин даражаси 92 дБА ташкил этади.

Агар электропоезднинг тезлиги 35 км/соат бўлса унинг шовқин даражаси 82 дБА ташкил этади.

Шаҳар транспортларининг ичида энг кўп шовқин пайдо қилувчиси - трамвай ҳисобланади. Унинг ҳаракатдаги шовқин даражаси 10 дБА кўпдир. Трамвайнинг двигатели ишлаб турганда, эшикларининг очилишида, ва товуш сигналлари берилганда шовқин даражаси кўтарилади.

Бундай шовқинларни камайтириш чоратадбирлари ишлаб чиқилган. Масалан, трамвай кузовларида пневматик подвекалар қўлланилмоқда, амортизацияни яхшилаш, двигателларнинг роторларини балансировка қилиш, гилдиракларда эластик элементлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Кўп шаҳарларда шовқин даражасининг баланд бўлишига ҳаво транспортларининг алоҳида таъсири борлиги қайд этилган. Фуқаро авиациясининг парклари йилдан йилга янгиланиб турибди, авиалинияларда эса янги турбореактивли ва турбовинтли самолётлар пайдо бўлипти. Катта бўлган аэродром ва аэропортлар курилмоқда, ески аэропортлар ва аэродромлар реконструкция қилинмоқда, йўловчи ва юк ташиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Фуқаро авиациясининг аэропортлари аҳоли яшайдиган жойларда жойлашган, лекин унинг ҳаво йўллари кўп аҳоли яшайдиган шаҳарлар устидан ўтади.

Авиация шовқинларнинг даражаси - парвоз қилиш ва қўниш йуллакларнинг жойланишига боғлиқдир. Агар аэропортлар самолётларни кечаю-кундуз эксплуатация қилса шовқин даражаси кундузи 80 дБА ташкил этса, кечаси 78 дБА ташкил этади. Шовқиннинг максимал тебранишлари 92 дБА дан 108 дБА ни ташкил этади.

Шовқиннинг эшитиш органларига таъсири натижасида, биринчи навбатда баланд товушларни инсон эшитаолмайди, кейинчалик эса паст товушларни ҳам эшитаолмайди. Эшитиш қобилиятининг пасайиши асосан инсоннинг индивидуал физиологик хусусиятларига ҳам

боғлиқдир.

Масалан, бир хил одамлар шовқиннинг кам муддатли таъсирида эшитиш қобилияти пасаяди. Аксинча, баъзилар умрининг охиригача шовқин даражаси баланд бўлган жойларда ишласа ҳам эшитиш қобилиятларига таъсири бўлмайди.

Кўпгина шахарларда шовқин - инсон ҳаёт фаолиятини 8-12 йилга камайтиради. Баланд даражали шовқин - инсоннинг нерв ва юрак системаларининг бузилишига, психик толиқиш, вегетив невроз касалликларига олиб келади.

Шовқин одамларнинг дам олиши ва ишлашига халақит беради, меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Катта ёшдаги одамлар шовқинни тез ҳис қила олади. Шундай қилиб, одамлар 27 ёшида шовқинга 46,3 %, 28-37 ёшларида 57 %, 38-57 ёшларида 62,4 %, 58 ва ундан катта ёшларда-72% ўзининг сезгирлигини курсатади.

Шовқиннинг таъсирида инсон организмининг бошқа органларида ҳам ўзгаришларини кўриш мумкин. Масалан, юрак ритмининг тезланиши, инсон мияси активлигининг пасайиши ва бошқалар.

Авиация шовқинларни камайтириш муаммолари - бу унинг пайдо бўлиш манбаларида шовқин даражасини камайтиришдан иборатдир. Турбовентиляторли двигателли самолётларнинг шовқин пайдо қилиш манбалари- вентилятор ва реактив оқим ҳисобланади. Шовқин даражасини камайтиришда акустик мотордан ва двигателлардан фойдаланилади. Бундан ташқари товуш сўндиргичлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Аҳоли яшайдиган жойларда шовқин манбаларидан бири - саноат корхоналари ҳисобланади. Саноат корхоналарида ва унинг цехларида ҳар хил технологик қурилмалардан фойдаланилади. Масалан, тўқимачилик фабрикаларининг цехларида, асосан тўқиш сеҳларида шовқин даражаси 90-95 дБ ташкил этади. Механик ва инструментал цехларида шовқин даражаси 85-92 дБ, компрессор станцияларининг машина залларида шовқин даражаси 95-100 дБ ташкил этади.

Шовқин даражасини камайтириш учун - катта бўлган вентиляция қурилмаларидан, компрессор станцияларида шовқин сўндиргичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Шовқиннинг инсон организмга таъсири. Инсоннинг эшитиш органлари баъзи доимий ва такрорланиб турадиган шовқинларга мосланиши мумкин, аммо бу эшитиш қобилиятининг заиф бўлишидан сақлаб қолмайди.

Шаҳар шовқинлари шароитида эшитиш анализатори доим таранг ҳолда бўлади. Бу эшитиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Шовқин даражаси 70 дБ бўлганда, сўзлашиш аниқлигини кийинлаштиради. Шовқинни ўлчаш учун шумомерлардан фойдаланилади.

Шумомерларларга актив филтрлари (спектр анализаторлари) қўшилади. Шумомерлар-датчиклардан (микрофонлар ва акселерометрлар) иборатдир. Бу датчиклар - кучайтиргичдан, стрелкали индикаторлардан ташкил топган. Датчиклар ўрнида баъзан электродинамик, керамик, конденсаторли микрофонлардан фойдаланилади.

1-жадвал

Тип	Частотали диапазон, Гс	Коррекциялар	Шовқин даражасини ўлчаш диапазони, дБ	Жиҳоз синфи	Масса, кг
ШЗ-М	40-10000	ABC	24-130	1	5,5
Ш-63	60-8000	ABC	30-140	1	4,2
Ш-71	31,5-8000	AC	30-140	11	2,5
2203	10-18000	ABC	19-134	1	2,7

Спектр анализатори - ўз ичига кучайтиргични олади. Бу кучайтиргич маълум частотани ажратиш учун кул келади. Шовқин спектр анализаторлари филтрли ва гетерогенларга бўлинади. Филтрли спектр анализаторлари электр филтрлари наборларидан ташкил топган бўлиб, улар маълум частоталарни ажратиб чиқаради. Гетерогенли анализаторларда маълум частоталарни ажратиб чиқариш учун - уларда кварсли филтрлар қўлланилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон.
2. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. -Т.: Ўқитувчи, 1991.
3. Турсунов Х.Т. Екология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. - Т.: Саодат РИА, 1997.
4. www.ziyonet.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА КИМӨВИЙ ТАРКИБИ

Худайқулов Р. М., к.и.х. – изланувчи, Эргашев Х. Х., магистрант (ТАЙИ)
Исаев Ш.Б., магистрант (СамДАҚИ)

В статье приведены основные причины засоления грунтов, их распространение, степень засоления и химический состав, в условиях Республики Узбекистана. Приведен анализ нормативных документов и ис-

следований посвященных вопросам степени засоления засоленных грунтов и их классификация по степени пригодности для строительства.

The article shows the main reasons of the origin of saline soils, their spreading the degree of salinity and chemical composition, in the conditions of Uzbekistan. The analysis of normative documents and researches devoted to the problem of the degree of salinity in saline soils and their classification according to their suitability for construction of road are given in this article.

Республикамиз автомобиль йўлларида ҳаракатланувчи автомобилларнинг тури, сони ва уларнинг орқа ўқиға тушадиган юкламаларнинг кескин ортиши амалда фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатлар МКН 46-2008 [1], МКН 44-2008 [2] ва ШНҚ 2.05.02-07 [3] ларни қайта кўришни талаб қилади. Чунки ушбу меъёрий ҳужжатларда йўл пойини қуришда ишлатиладиган грунтлар таркибидаги туз миқдори ва сифати инобатга олинмаган. Натижасида грунтларни асосий тавсифлари (эластиклик модули E , ички ишқаланиш бурчаги φ , ҳамда нисбий боғланиш кучи C) ва зичлик нормаларининг қийматлари берилмаган. Шунинг учун автомобиль йўллари йўл пойинининг муқобил тузилмасини яратишда ҳар хил миқдордаги ва турдаги шўрланган грунт хоссаларини ўрганиш долзарб вазибалардан ҳисобланади.

Шўрланган грунтлар қуриқ иқлим зоналарда тарқалган бўлиб, ер шари майдонининг 240 млн. гектарини ташкил етади. Жумладан МДХ мамлакатларида 120,8 млн. гектарни ташкил қилиб, булар Қозоғистон, Марказий Осиё Республикалари ва шимолий-шарқий Кавказ ҳудудларига, ҳамда Волга бўйи қуйи оқими, Жанубий-Украина ҳудудларига тўғри келади.

Ўзбекистон ҳудудида суғориладиган ерлар 1970,7 минг гектарни ташкил етиб, шулардан суғориладиган ерларнинг 50% зи янги ўзлаштирилган ҳудудларга тўғри келади. Шу жумладан ерларнинг 75% зи ҳар хил даражада шўрланган бўлиб, жумладан кучсиз шўрлангани 1117,7 минг гектарни, ўртача шўрлангани 611,2 минг гектарни, кучли шўрлангани 241,6 минг гектарни ташкил етади.

Шўрланган грунтлар ҳосил бўлишининг асосий омили ер юзасига яқин ётган минераллашган грунт сувлари ва тузли тоғ жинсларидир. Жойларда сув оқшининг имкони йўқлиги ва буғланиш жараёни ёғингарчилик миқдоридан кўп бўлиши шўрланишининг асосий шарти ҳисобланади. Шунинг учун шўрланган грунтлар сув оқмайдиган текисликларда, чўл, чўл-адир ва адирли ҳудудларда кенг тарқалган.

Грунтлар шўрланишининг тавсифи жойнинг гидрогеологияси ва геоморфологияси шароитига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Жумладан тоғ олди текислик грунтлари карбо-

натли жинслардан иборат бўлиб, одатда шўрланмаган грунтлардан ташкил топади. Ўз навбатида тоғ ости текисликлари ва водийларнинг қуйи қисмидаги грунтларда сувда эрувчи сульфатлар ва қисман хлоридлар кўп учрайди. Тоғли ҳудудлардан узоклаша борган сари карбонатли жинслар карбонатсизлар билан алмашилиб, хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли ва хлорид турдаги шўрланган грунтлар ҳудудига тўғри келади.

Шўрланган грунтлар ҳосил бўлиш шартлари қуйидагиларни ўз ичига олади [4]:

Биринчи шарти - шўрланган грунтлар сув ҳавзаларининг қуйи қисмида жойлашиши ва текис рельефли шароитларда ҳосил бўлиши;

Иккинчи шарти - иқлим шароитининг умийлашганлигидир;

Учинчи шарти - грунтларнинг шўрланиш жараёнини белгиловчи грунт сувларининг маълум бўлган ҳаракат қонуниятидир.

Ўзбекистонда шўрланган грунтлар тарқалган туманларнинг деярли ҳаммаси ёғин миқдори йил давомида 200 мм дан ошмайдиган ва буғланиш миқдори жуда кўп бўлган иссиқ иқлимли ҳудудларга тўғри келади. Бундай шароитда грунтлар, грунт сувлари билан капиллярлар орқали намланганда шўрланади.

Тоғли ҳудудлардан текислик ҳудудларига ўтишда рельефнинг текислашиб бориши ва грунтларнинг оғирлашиши билан грунт сувларининг оқим тезлиги камаяди. Оқимнинг кўндаланг юзаси ва ўтаётган сувнинг тоғ жинси ёки грунт билан таъсир вақти ошади. Натижада, грунт сувлари сарфи эҳтимоллиги ва капиллярлардан кўтарилиб туз тўпланиши ва буғланиш имконияти ошади [5].

Ўзбекистон ҳудудида ҳар хил миқдорли ва сифатли шўрланган грунтлар учрайди. Ўзбекистон ҳудудида шўрланган грунтларнинг тарқалиши 1-жадвалда келтирилган. Бу грунтлар таркибида шўрланишда иштирок этувчи энг кўп тарқалган тузлар қуйидагилардир: NaCl , $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$, $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$, $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$, $\text{CaCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$, NaHCO_3 , $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$, CaCO_3 ва $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ [6].

Грунтлардаги тузлар, хоссалари ва муҳандислик иншоотлари мустаҳкамлигига таъсирига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади [7]:

1 – гуруҳ: хлоридли тузлар - NaCl , CaCl_2

ва $MgCl_2$. Бу тузлар эрувчанлик хусусиятига эга бўлиб, таркибида хлоридли тузлар бўлган гурунтлар маълум миқдордаги намликни ушлаш хусусиятига эга, бу эса ўз навбатида йилнинг қурғоқчил мавсумида ҳам уларни зичлаш учун яхши шароит туғдиради. Эритмада туз кристаллашганда ҳам хлоридли тузларининг ҳажми ошмайди.

2 – гурух: сульфат ва магний тузлари - Na_2SO_4 ва $MgSO_4$. Бу тузлар ўзига маълум бир миқдордаги сув молекуласини бирлаштириш хусусиятига эга бўлиб, сульфат натрий сувининг 10 та молекуласини бирлаштириб олади. Ҳарорат $32,4^{\circ}C$ бўлганда $Na_2SO_4 \cdot 10H_2O$ сувсиз шаклга ўтади. Ўзбекистон шароитида ҳаво ҳарорати $5^{\circ}C$ дан $40^{\circ}C$ гача ўзгарганда даврий равишда бирлашишга ва кристаллогидратларнинг кристалланувчи сувларини бўлишига яхши шароит туғдиради.

3 – гурух: натрий карбонат тузлари - $NaHCO_3$ ва Na_2CO_3 . Бу тузлар грунт таркибида нисбатан кам учрайди. Соданинг сувли эритмаси грунтлардаги гилли-коллоид фракцияларини максимал диспергирлашига имкон берувчи ишқорли реакцияга эга бўлади.

4 – гурух: сульфат ва натрий карбонат тузлари - $CaSO_4$ ва Na_2CO_3 . Грунтлар таркибида уларнинг миқдори - 2% дан 60% гача ва ундан кўп миқдорда учрайди.

1-жадвал.

№	Вилоятлар	Грунт шўрланганлиги, %			
		Кучсиз	Ўртача	Кучли	Ўта кучли
1	Корақалпоғистон Республикаси	-	27,3	37,4	35,3
2	Андижон	43,9	32,9	16,2	7
3	Бухоро	57,5	30,7	7,6	4,2
4	Жиззах	17,5	38,6	29,1	14,8
5	Қашқадарё	25,6	51,8	15,1	7,5
6	Навоий	19,9	52,1	20,9	7,1
7	Наманган	58,1	26	9,2	6,7
8	Самарқанд	50,8	39,7	7,7	1,8
9	Сурхондарё	73	21,1	4,2	1,7
10	Сирдарё	-	59,9	25,6	14,5
11	Тошкент	71,3	22,5	4,4	1,8
12	Фарғона	27,9	35,6	22,2	14,3
13	Хоразм	-	59,1	28,1	12,8

Шўрланган грунтларни қурилишдаги салбий хусусиятлари, стандарт зичлаштириш бўйича қулай намликдан ортиқча намликда мустаҳкамликнинг бирдан камайишини ҳисобга олиш керак. Бундай грунтлар қуриганда боғланишини йўқотиши мумкин ва кристаллогидратлар ҳосил бўлиши натижасида зичлиги камаяди. Умумий ҳолда грунтларда учровчи минерал тузлар, хусусан Ўзбекистон ҳудудидаги супес-суглинокли грунтларнинг кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Тарқалиш региони	Намуна олиш чуқурлиги, м	Кимёвий таркиби, %								Йиғинди си, %
		SiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	CaO	MgO	K_2O+Na_2O	SO_3	CO_2	
Амударёнинг Орололди дельтаси	1-4	$\frac{45-58}{51}$	$\frac{11-13}{12}$	$\frac{8-10}{8}$	$\frac{10-13}{11}$	$\frac{3-5}{4}$	$\frac{3-4}{3}$	$\frac{0-1}{0,5}$	$\frac{8-10}{9}$	98
Амударёнинг Хоразм дельтаси	1-3	$\frac{48-55}{52}$	$\frac{10-13}{12}$	$\frac{3-5}{4}$	$\frac{10-13}{11,5}$	$\frac{3-4}{3,5}$	$\frac{3-5}{4}$	$\frac{0-3}{1,5}$	$\frac{7-10}{8,5}$	97
Бухора-Қорақўл сув ҳавзаси	1-5	$\frac{52-61}{57}$	$\frac{9-12}{11}$	$\frac{3-5}{4}$	$\frac{8-13}{11}$	$\frac{2-4}{3}$	$\frac{3-4}{3,5}$	$\frac{0-2}{1}$	$\frac{5-8}{6,5}$	97
Зарафшон сув ҳавзаси	6-22	$\frac{53-55}{54}$	$\frac{11-13}{12}$	$\frac{4-4,2}{4}$	$\frac{11-12}{11,5}$	$\frac{2-3}{2,5}$	$\frac{2-3}{2,5}$	$\frac{1-2}{1,5}$	$\frac{8-9}{8,5}$	96
Қашқадарё ботиклиги	2-8	$\frac{48-54}{52}$	$\frac{10-12}{11}$	$\frac{4-5}{4,5}$	$\frac{10-12}{11}$	$\frac{2,6-3,4}{3}$	$\frac{3-5}{4}$	$\frac{0,4-3}{2}$	$\frac{7-9}{8}$	95
Сурхондарё ботиклиги	1-30	$\frac{49-53}{51}$	$\frac{10-12}{11}$	$\frac{4-5}{4,5}$	$\frac{11-13}{12}$	$\frac{2,6-3,4}{3}$	$\frac{3-3,5}{3,5}$	$\frac{0,1-2}{1}$	$\frac{7-11}{9}$	95
Фарғона ботиклиги	1-9	$\frac{52-54}{53}$	$\frac{11-12}{11}$	$\frac{4,2-5,3}{5}$	$\frac{10-13}{11}$	$\frac{2,8-4,1}{3,5}$	$\frac{3-4}{3,5}$	$\frac{1,4-3}{2}$	$\frac{7-10}{8,5}$	98
Ўзбекистон бўйича ўртача миқдор	1-30	$\frac{51-57}{54}$	$\frac{11-12}{11,5}$	$\frac{4-5}{4,5}$	$\frac{11-12}{11,5}$	$\frac{2,5-4}{3}$	$\frac{2,5-4}{3,5}$	$\frac{0,5-2}{1}$	$\frac{6,5-9}{8}$	97

Изох: суратдаги чегаравий қийматлар, махражда – ўртача.

Ўзбекистон ҳудудида шўрланган грунтларнинг тарқалиши ва уларнинг кимёвий таркиби автомобиль йўлари пойини қуришда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, йўл пойининг шўрланган грунтлар таркибидаги тузларнинг миқдори ҳамда сифатини инобатга олган ҳолда лойиҳалаш ва қуриш ишларини амалга ошириш сарф-харажатларни камайишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. МҚН 46-2008 Нобикир йўл тўшамаларини лойиҳалаш бўйича йўриқнома. “Ўзавтойўл” ДАК. Тошкент, 2008 – 246 б.
2. МҚН 44-2008 Биқир йўл тўшамаларини лойиҳалаш бўйича қўлланма. “Ўзавтойўл” ДАК. Тошкент, 2008 – 244 б.

3. ШНҚ. 2.05.02-07. Автомобиль йўллари. “Ўзавтойўл” ДАК. Тошкент, 2007-72 б.

4. Петрухин В.П. Строительство сооружений на засоленных грунтах. М. “Стройиздат”, 1989. 264 с.

5. Мавлянов Г.А. и др. Физико-химические, инженерно-геологические и сейсмические свойства лёссовых пород Узбекистана. Ташкент, “Фан”, 1978. 256 с.

6. Агзамова И.А. Формирование агрессивности водно-грунтовой среды средних и малых городов Узбекистана (на примере Городов голодной и Каршинской степей). Дис. на соис. уч. степ. к.г.-м.н., Ташкент, 2011. 184 с.

7. Қаюмов А.Д., Агзамова И.А., Худайкулов Р.М. Шўрланган грунтли йўл кўтармалари. Монография, 2013. 130 б.

ШАҲАР ҲУДУДИДАН ОҚОВА СУВЛАРНИ ҚОЧИРИШ МУОММОЛАРИ

Худойбердиев. А., т.ф.н доцент; Одинаев. Р., магистрант (СамДАҚИ).

В статье описывается практика организации поверхностного стока, часто применяемая смешанная система водоотвода, при которой по улицам и в центральной части города устраивают закрытую водосточную сеть.

The paper describes the practical of organizations of the service sewage, where the mixed system of water outlet is often used at which in street and in the central part of the city the closed drainage facilities are mode.

Шаҳарсозлик амалиётида унинг ҳудудидан оқова сувларни қочиришнинг 3 та тури мавжуд:

очик сув қочириш - қор - ёмғир сувлари ариқлар, каналлар орқали олиб чиқилади;

ёпиқ (яширин) сув қочириш ~ қор - ёмғир сувлари ер ости қувурлари орқали сув чиқариладиган жойгача олиб борилиб, сувни қувурга ташлаш учун сув қабул қилувчи маҳ-сус қудуқлар қўланилади;

аралаш (муштарак) сув қочириш - юқоридаги икки тизим элементлари мужас-самлаштирилади.

Очик сув қочириш тизимини қуриш осон ва арзон бўлиши билан бирга қатор камчиликларга ҳам эга, яъни, ёмғир кўп ёққанда ариқлар тўлиб кетишидан ташқари, баъзан чўқинди жинсларга ҳам тўлиб қолади. Қолаверса, оқова сув каналлари шаҳар кўчалари учун ноқулайлик туғдирадиган даражада катта бўлиши билан бирга барча чорраҳада ва қириш - чиқиш йўлларида кўприк ёки қувурлар ўрнатишни талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси транспорт харакати учун маълум даражада ноқулайликлар туғдиради.

Ёпиқ (яширин) сув, қочириш тизими замонавий шаҳарсозликнинг муҳандислик ободончилик талабларига тўла жавоб беради. Муштарак тизими кичик шаҳарлар учун қулай бўлса, катта шаҳарлар учун ноқулайдир, уни катта шаҳарлар учун вақтинча, яъни кейинчалик алмаштиришни инобатга олиб қўлланади.

Ёпиқ (яширин) сув қочириш тизими шаҳар сув қочириш силсиласи (баъзан шаҳар сув қочиргич) ёки **оқова сув тармоғи** деб аталади.

Умумий ҳолда шаҳар оқова сув тармоғи қор - ёмғир, хўжалик ва ташландик сувларни йиғиб олиб, чиқиб кетиш вазифасини бажаради. Шаҳар оқова сув тармоғи тизими таркибидаги сув турига қараб улар: умумоқизгич, алоҳида ва ярим алоҳида сув оқизгич туркумларига бўлинади. **Умумий оқова сув тармоғи** ўзида барча сувларни яқка қувурда оқизиши билан бошқа тармоқлардан афзалдир. У қурилиш нуқтаи - назаридан ҳам анча қулайликка эга. Чунки бир нечта қувур ўрнига яқка қувурни ётқизиш иқтисодий жиҳатдан арзон ва технологик жиҳатдан осондир. Аммо, катта диаметрли бундай тармоқ бир неча йил-

да бир марта такрорланадиган шаррос ёмғир ёққандагина тўлиб оқади ва қолган вақтларда, оқова сувнинг камлиги туфайли ўзини иктисодий жихатдан оқламайди. Бундан ташқари таркибида турли хил оқова сувлар бўлганлиги учун сув тозалагич иншоотларининг харажатлари юқори бўлади.

Алоҳида турдаги оқова сув тармоқларини қуриш мамлакатда кенг тарқалган усул бўлиб, бунда барча турдаги тармоқлар алоҳида ишлайди.

Шахарнинг ёпик оқова сув тармоғи вазифасига қараб қуйидаги имкониятларни ўз ичига олади:

а) шаҳар худуди рельефининг юқори сатҳидан оқиб келувчи сувларни бевосита канал ва ариқлар ёрдамида қабул қилувчи;

б) шаҳар худудида пайдо бўлган оқова сувни йиғувчи;

в) йиғилган сувларни оқизувчи;

г) махсус аҳамиятга эга бўлган жойлар ҳамда жарликлар ва кўчкларни оқова сув таъсиридан муҳофаза қилувчи.

Асосий сув қочиргич - бу қор, ёмғир, ташландиқ, саноат корхоналарининг шартли тозаланган сизот ҳамда оқова сув тармоғига ташланиши керак бўлган сувларни оқизишга хизмат қилади. Замонавий шаҳарсозликда шаҳар сув оқизгичлари фақат худудга тушган сувни йиғиб, ташқарига чиқариш учунгина эмас, балки қуйидаги ободончилик ишларида ҳам кенг қўлланилади:

- бино томлари ёки худудлардан пайдо бўлган сувларни бевосита оқова сув тармоғи орқали олиб чиқишда;

- кўча ва йўлларда ҳамда ер ости пиёдалар ўтиш иншоотларидан йиғиладиган сувни оқизишда;

- шаҳар худудидаги сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлашда;

- эриган қор сувларини йиғишда.

Ҳар қайси сув ҳавзаси узининг бош сув оқизгичига эга бўлиб, у орқали ташландиқ ва оқова сувларни шаҳар ташқарисидаги маълум бир пасткам жойга чиқариб ташлаш имконини беради.

Сув йиғиладиган майдон **сув оқизгичнинг ҳавза чегараси** деб тушунилади.

Ёпик (яширин) сув оқизгич қуйидаги элементлардан ташкил топади:

а) ариқлардан оқиб келувчи сувни қабул қилувчи қудуқ;

б) қудуқлар билан сув оқизгични бирлаштирувчи шахобчалар;

в) сув йиғгич ва сув оқизгич қувурлари;

г) таъмирлаш ва текшириш қудуқлари, ин-

шоотлар сув ташлагич қудуқлари, тез оқизгичлар ҳамда сув чиқаргичлар, сувни кўтариш учун насос станциялари.

Сув оқизгичлар одатда ўзи оқар қилиб лойихаланиши ва уларнинг узунлиги 1 га худудига тахминан 20 дан 100 м гача тўғри келиши қурилиш меъёрларида белгиланган.

Оқова сув тармоғига қўйиладиган талаблар. Ҳар қандай шаҳарнинг сув оқизгичи ривожланиши учун унинг бош режа қораламаси бўлиши талаб қилинади. Бунинг учун шаҳарнинг бош режаси асос қилиб олинади. Қораламани тузишда қуйидаги манба ва материаллар бўлиши ишнинг асосли эканлигига шубҳа уйғотмайди, булар қуйидагилардан иборатдир:

- **ҳавза режаси** - унда кўчалардаги сув оқими йўналишлари, ҳисобланадиган майдонлар ва нукталар, сув қабул қилиш ва текшириш қудуқлари;

- коллекторларнинг бўйлама профиллари **қурилади**;

- сув оқизгич иншоотлари ва қурилмаларининг қоралама чизмалари;

- **ҳисоблаш, тушунтириш хати, унда** тизимнинг гидравлик ва гидрологик ҳисоби, бажариладиган ишлар ҳажмининг қайдномаси ҳамда молия ҳисоблари.

Шаҳар сув оқизгичларини лойихалашда фуқаро муҳофазаси нуктаи- назаридан қуйидаги тартибларга амал қилинади:

- сув оқими ҳавзаларини белгилаш ва асосий коллекторлар йўналиши ҳамда сув ташланадиган жойни аниқлаш-;

- ҳар қайси ҳавзада асосий коллекторнинг ўрни ва хусусий ҳавзаларнинг чегаралари аниқланади;

- коллектор йўналишида сув қабул қилувчи қудуқлар қўрсатилади;

- ҳар қайси ҳисобланадиган жой учун бўйлама нишабликлар белгиланади ва профиллар қурилади;

- ҳар қайси ҳавзада чегара нукталари асосида ҳисоблаш майдонлари белгиланади;


- ҳисобланадиган ҳар бир майдоннинг узунлиги ва уларнинг сув ҳавзаси майдонларининг юзалари аниқланади;

- сув оқизгичнинг гидрологик ва гидравлик ҳисоблари бажарилади;

- сув оқизгичнинг қурилмалари танланади ва жойлаштирилади.

Дастлаб шаҳар режасида сув айиргич чизиқлари чизилади ва шулар асосида сув йиғиладиган ҳавзалар ҳамда сув оқувчи пасткам жойлар белгиланади.

:




1-расм. Оқова сув тармоғи тизимининг режа кўринишидаги шакллари:

1 - ёмғир сувларини қабул қилувчи тармоқ; 2 - са-
ноат ёки коммунал хўжалик оқова сув тармоғи; 3 -
тозалаш иншооти; 4 - оқова сув тармоғини қабул
қилувчи қудук.

Шаҳар ҳудуди бир нечта ҳавзага бўлинади
ва ҳар бирининг асосий коллекторлари (сув
оқизгичи) ўрни белгиланади.

Ҳавзалар чегараси рельеф ёки шаҳарнинг
бош режаси учун ишланган тикка режалашти-
риш лойиҳаси асосида бўлинади. Шаҳар
ҳудуди ҳавзаларига бўлинаётганда имкони
борича 75-100 га атрофида қилиб бўлингани
маъқул, чунки, бундай ҳавзалар учун лойи-
ҳаланадиган коллектор диаметри 800-1200 мм
дан ошмайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан
муҳимдир.




2- расм. Кўча ва чорраҳаларда ёмғир сувларини
қабул қилиш коллектор қудуқларларнинг жойлаш-
ув схемаси: 1-коллектор; 2-оқова сув тармоғи; 3-
ёмғир сувларини қабул қилиш коллектор қудуқлар;
4-қузатув қудуғи; 5-пиёда ўтиш жойи.

Сув оқизгич коллекторларининг бошланиш
нуқтаси сувнинг эркин оқиш шарти асосида
белгиланиб, у сув айиргич чизиғи бошлани-

шидан биринчи сув ташлагич қудуғигача
бўлган масофада сув эркин оқади ва у одатда
150-200 м атрофида қабул қилади.

Турли ҳил чорраҳаларда сув ташлагич
қудуқларининг жойлашиши сувнинг қайси
томондан оқиб келишига боғлиқ.

Оқова сув тармоғи коллекторининг бўйла-
ма профили, бўйлама қирқими асосида қурила-
ди. Бунда қувурнинг ости ва усти белгиси,
унинг жойлашиш чуқурлик белгиси, ҳар қайси
жойнинг бўйлама нишабликлари кўрсатилади.



3- расм. Коллекторларнинг рельеф ҳолатига
кўра жойлашиши.

Қувурнинг ер сатҳидан минимал чуқурлиги
маҳаллий шароитга боғлиқ бўлади. Аммо, да-
стлабки чуқурликни ернинг музлаш қат-
ламидан 0,5 метр чуқурликда лойиҳалаш талаб
қилинади. Коллектор диаметрини сув оқими
бўйича ўзгартириш ўзаро қуйидаги омилларга
боғлиқ бўлади, яъни кичик диаметрдан катта
диаметрга ўтишда қувурлар "устига-устии"
усулида бирлаштирилади, катта диаметрдан
кичигига ўтишда "ости-ости" шаклида бир-
лаштирилади.

Адабиётлар:

1. Карагодин В.Л., Молоков М.В. Отвод по-
верхностных вод с городских территорий. М., 1974.
2. Клиорина Г. И., Савкин А.А. Инженерная
подготовка территорий, Л.,1980.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИ ИЧИМЛИК СУВИ ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШИ, УНДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАРИ

Такабоев Қ., Шукуров П., Бобомуродов У., Мусаев Ш., Арипов Н. (ЖизПИ)

Статья посвящена одной из актуальных экологических проблем, научно признанных в качестве важного решения проблемы питьевой воды.

The present paper considers the problems of drinking water which is one of the actual ecological issue and scientifically recognized as an important one.

Она замин табиатнинг ажралмас бўлаги, шу
сабабли аждодларимизнинг ерга меҳри ўзгача

бўлган. Заминимизни эҳтиёт қилишда сув бар-
ча бойликнинг асоси, бутун тириклик манбаи-

дир.

Сув, тупрок, ҳаво, куёшни эъзозлаш ва инсоннинг яратувчанлик меҳнатини улуғлаш ҳар доим бирламчи аҳамият касб этган. Инсон учун унинг саломатлигидан кадрлироқ нарса йуқ. Саломатликни мустаҳкамлаш унинг кадрига етиш аввало ўзимизга боғлиқ. Табиатнинг тозалиги ҳавонинг беғуборлиги соғлигимиз учун катта аҳамиятга эга.

Атрофимизга бир назар ташласак, бунга нечоғли амал қилмаётганимизни кўрамиз. Биз доимо она табиат инъомларидан фойдаланиб келдик, келажак авлодлар ундан фойдаланиш учун ҳам уларни авайлаб-асрашимиз лозим.

Ҳозирги вақтда атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг энг муҳим муаммоларидан бири аҳолини етарли миқдорда тоза ичимлик сув билан таъминлашдир.

Мамлакатда яшаётган аҳолига соғлом муҳит яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сув ҳаво ва тупрокнинг ифлосланишига йўл қуймаслик ва бошқа масалаларнинг ижобий ечимини топиш ҳозирги куннинг долзарб муаммосидир.

Жиззах вилоятининг туман ва шаҳарларида ҳам аҳоли сонининг ўсиши, маънавий хизмат турларининг шаклланиши ва янги индустриал sanoat худудининг барпо этилиши тоза ичимлик сувига бўлган талабни кескин ўсишига олиб келмоқда.

Дастлаб кичик провенциал шаҳар Жиззах бугунги кунда Вилоят маркази, вилоятнинг Мирзачўл регионидан яқин 40-50 йил давомида

пайдо бўлган янги Пахтакор, Дўстлик, Арнасой ва Зафаробод шаҳарлари ҳамда 60 дан ортиқ катта кичик аҳоли яшаш жойлари асосан Сангзор дарёси дельтаси худудидан жойлашган ер ости ичимлик суви манбаларида ишлаб чиқарилаётган тоза сувлардан фойдаланмоқда.

Куйидаги мавжуд сув олиш иншоатларидан А.Темур 26 минг м³/кун, Сангзор 18 минг м³/кун, Ўзбекистон 12 минг м³/кун, Саноат худуди иншоати 30,0 минг м³/кун, Сангзор қишлоқ сув иншоати 40,0 минг м³/кун ва Қуйтош сув иншоати 64,8 минг м³/кун. Жами: 190,8 минг м³/кун қувватга эга бўлган ер ости сув захиралари асосан Сангзор дарёси дельтасида жойлашган.

Эски Сангзор дарёси ўзани Бахмал, Галлаорол ва Жиззах туманлари худудларидан оқиб ўтиб “ҚЛИ” канали ўзанига қўшилади ва Арнасой кўлига қўйилади.

Ичимлик суви захираларининг дастлабки кимёвий, физик таркиби ва кейинги 30 йиллик даврдаги тахминлар билан таққослашганда сувнинг таркиби ўзгариб бораётганлиги аниқланди.

Ичимлик суви таркибидаги Са, Mg нитратлар ва хлоридларининг меъёрий қиймати ўзгариб бориши кўзатилди.

Мониторинг натижасига кўра кўзатув даврида (1980-2014) ичимлик сувининг қаттиқлиги 3,12 мг-экв/л, нитратлар 36/62 мг/л, хлоридлар 18,5 мг/г миқдоридан ошганлиги аниқланди (1, 2 ва 3-жадваллар).

1-жадвал

ҚАТТИҚЛИК (МГ-ЭКВ/Л)

№	Сув иншоатлари номи	1980 йил	1985 йил	1990 йил	1995 йил	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2014 йил
1	Тошлоқ с.и.	6.6	7.0	7.8	8.7	9.4	9.9	10.0	10.1
2	Ўзбекистон с.и.	7.0	6.7	8.4	8.8	8.7	10.5	10.5	10.5
3	Промзона с.и	8.5	6.7	7.9	9.7	9.8	10.0	10.0	10.0
4	Санзар с.и.	6.8	6.9	7.8	8.7	8.5	10.0	10.0	10.0
5	Санзар-сельский с.и	7.0	9.5	11.2	11.2	10.2	10.0	10.0	10.1
	Ўртача:	7.18	8.15	8.62	9.42	9.32	10.28	10.3	10.32

2-жадвал

НИТРАТЛАР (МГ/Л)

№	Сув иншоатлари номи	1980 йил	1985 йил	1990 йил	1995 йил	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2014 йил
1	Тошлоқ с.и.	7.0	7.2	11.4	12.4	30.0	44	44.2	44.2
2	Ўзбекистон с.и.	9.6	7.4	14.8	14.0	24.0	46.2	46.3	46.4
3	Промзона с.и.	7.0	7.4	18.5	14.8	22.0	46.0	46.0	46.0
4	Санзар с.и.	6.5	7.0	18.4	15.7	26.0	44.6	44.6	46.5
5	Санзар-сельский с.и.	8.8	7.4	18.0	16.0	29.6	42.0	42.3	42.0
	Ўртача:	7.78	7.28	16.5	14.5	26.4	44.4	44.4	44.3

ХЛОРИДЛАР (МГ/Л)

№	Сув иншоатлари номи	1980 йил	1985 йил	1990 йил	1995 йил	2005 йил	2010 йил	2014 йил
1	Тошлок с.и	327.0	333.0	348.0	340.0	343.0	348.0	349.5
2	Ўзбекистон с.и.	327.0	332.5	347.5	339.0	341.0	345.0	346.0
3	Промзона с.и.	340.0	344.0	357.0	353.0	363.5	365.0	366.0
4	Санзар с.и.	319.5	332.0	345.0	338.5	340.0	345.0	347.0
5	Санзар-сельский с.и.	360.0	357.5	373.5	380.5	365.0	360.0	360.0
	Ўртача:	334.6	339.8	354.2	350	350.6	352.6	353.1

Ичимлик суви таркибидаги нитратлар, оғир Са, Mg элементларининг йиллар давомида кўпайиши инсон ҳаётининг физиологик ривожланишига муайян таъсир кўрсатиши табиий.

Сув таркибидаги Са ва Mg элементлари инсон организмнинг буйрак, ўт пуфаги тизимида холцидон тошига ўхшаш қотишма ҳосил қилади. У ўзининг ўсиш жараёнида киррала, думалоқ, силлик ва япалоқ донатор ҳолда ранги эса оқ кулранг, қора ва жигар ранг ҳолда учрайди.

Кўп йиллик таҳлил натижасига кўра Жиззах шаҳрида Буйрак тизимида тош пайдо бўлиш жараёни олдинги йилларга қараганда 2-3 % ошганлиги тасдиқланмоқда.

Кўриниб турибдики ичимлик сувининг таркибий ўзгариши ушбу ҳудудда яшовчи инсонлар организмга салбий таъсир этиб келмоқда.

Санзор дарёси оқимида юқорида кўрсатилган элементларнинг кўпайишига сабаб бўлувчи омиллар таҳлил қилинганда куйидаги натижалар олинди.

Дарёга қуйилувчи Ғаллаорол тумани “Шўрбулоқ” коллектори сувининг таркибида нитратларнинг юқори қийматлари аниқланди. Бунга асосий сабаб “Шўрбулоқ” коллектори ҳавзасида жойлашган “Товуқчилик” фабрикасининг чиқиндилари эканлиги маълум бўлди, бундан ташқари “Шўрбулоқ” коллектори сув-

лари Са, Mg элементи бирикмаларига ҳам бойлиги мазкур муаммони янада кескинлаштиради. Шу жумладан ерга ишлов беришда фойдаланиладиган калийли ва азотли ўғитларни кўп миқдорда ишлатилиши, Санзор дарёсининг юқори оқимида жойлашган аҳоли пунктлари, маиший ва саноат корхоналари тўғридан тўғри ташлаб юборадиган чиқиндилар ичимлик суви таркибининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммонинг ечимини топиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Санзор дарёси сувини бўлғаётган “Шўрбулоқ” ва шунга ўхшаш кичик коллекторларнинг сувларини махсус канализация тармоғи орқали янги кўрилатган Жиззах оқова сувларни тозалаш иншоотида боғлаш ва бу тозаланган оқова сувлардан суғоришда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Кожуков В.Н. Очистка питьевой технической воды. –М.: Стройиздат. 1991.
2. Кульский А. Основы химии технология воды. –М.: Стройиздат.
3. Абдуллаев Т.А. Ичимлик ва техник сувларини тозалаш. -Т., «Ўзбекистон»
4. Абдуллаев Т.А. Ичимлик сувини тозалаш. -Т. 1997.

ҚУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА СТРОИТЕЛЬСТВО И УПРАВЛЕНИЕ

МЕТОДЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНЫХ МАШИН

Усманов С.А. к.п.н., доцент, Джумабоев К., магистрант (ДжизПИ)

Ушбу мақолада йўл ва қурилиш машиналарининг ишлаш қобилиятини таъминлаш тизимини такомиллаштириш методикасини, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тадбирларини режалаштиришни яхшилаш, модий техника таъминотини такомиллаштиришга қаратилган назарий тадқиқотлар ва ахборот технологиялари асосида ишлаб чиқиш муаммолари қараб чиқилган.

This article describes how to develop the methodology of improving the system of operability of road and construction machines, aimed at improving the planning of maintenance and repair, improvement of the processes of logistics on the basis of theoretical research and application of information technology.

Эффективность использования дорожно-строительных машин (ДСМ) в значительной степени определяется их надежностью. Надежность ДСМ, как сложных технических объектов, связана с их структурой и надежностью структурных элементов. Несвоевременная замена элементов, надежность которых снижается в процессе эксплуатации, приводит, с одной стороны, к недоиспользованию ресурса, а с другой – к экономическому (или другому) ущербу от внезапных отказов и связанных с ними простоями машин. Поэтому исследования, направленные на повышение надежности машин путем совершенствования технологии обеспечения их работоспособности, можно считать одним из основных направлений повышения эффективности ДСМ.

Основными тенденциями развития средств механизации строительства являются усложнение конструкции, расширение номенклатуры и появление новых видов ДСМ, сокращение цикла «проектирование-производство-поставка оборудования» до 1...2 лет. В таких условиях ускоряющихся темпов качественного и количественного обновления парка ДСМ, система технической эксплуатации должна быть готова к обеспечению его работоспособности, что возможно только на основании использования современных технологий управления системой технической эксплуатации ДСМ.

Однако анализ практики эксплуатации ДСМ показывает, что темпы развития системы технической эксплуатации значительно отстают от темпов обновления парка машин, что проявляется в использовании устаревших методик планирования мероприятий технического обслуживания и ремонта ДСМ и материально-технического обеспечения запасными частями (например, отсутствии учета старения парка машин, сопровождаемого возрастанием количества unplanned ремонтов, возрастанием потребности в запасных частях). Это приводит к увеличению времени простоев ДСМ по причине неработоспособности и, как следствие, к снижению их эффективности.

Исследования, связанные с повышением надежности и эффективности технических объектов, входят в комплекс мероприятий управления жизненным циклом. Мировые тенденции в данной области представлены

применением: CALS-технологий (Continuous Acquisition and Lifecycle Support – непрерывная информационная поддержка поставок и жизненного цикла продукта), базирующихся на международных стандартах серии ИСО 9000 и ИСО 14000 современных информационных технологий, реализованных в системах комплексного управления основными фондами (Enterprise Asset Management – EAM) и др.

